

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 9 (1230) 2019-yil 1-mart, juma

Янги авлод тадбиркорларининг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиши лозим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. sanoat, transport, qurilish, qishloq xujaligi, xizmat kursatish kabi tarmoqlarni izchil rivojlantirish, uy-joylar barpo etish, axoli farovonligini yuksaltirishga alohida ehtiбор karatildi.

сиклик электр станцияси қурилиши билан танишишдан бошлади. мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиши электр энергетика соҳасининг барқарор ривожига боғлиқ. Шу боис тизимни модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш, электр энергия ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга alohida ehtiбор karatilmokda. Istiqbolli loyiخالар амалга ошириладир.



Тўрақўрғон туманида барпо этилаётган қуввати 900 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси шундай инвестицион лойиҳалардан биридир. Мазкур ИЭСнинг ишга туширилиши Фарғона водийсида аҳоли ва sanoat korxonalarини uzlaksiz электр энергияси билан тўлиқ таъминлашга хизмат қилади. Лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлиб, Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ва "Mitsubishi Hitachi Power Systems" консорциуми томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва "Ўзбек-энерго" АЖ маблағлари асосида молиялаштирилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 2 минг 400 нафардан зиёд миллий ҳамда хорижий мутахассис ва ишчилар жалб этилган. Лойиҳа қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси муҳандис-техниклари томонидан олиб бориладир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.


Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Сайлов кодекси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ҳужжатда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, Президент, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлири сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солуви сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бирхиллаштириш назарда тутилди.

Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида сайловга доир қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш миллий амалиётини умумлаштириш юзасидан муайян ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан, Франция, Голландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжоннинг тажрибаси, шунингдек, халқаро сайлов стандартлари, шу жумладан, ЕХХТнинг ДИИХБ тавсиялари, Венеция комиссияси тақлифлари ўрганилди.

Сўзга чиққан сенаторлар қайд этганидек, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилиниши сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бирхиллаштиришга қўмақлаштиришга қўлмай, балки сайловга доир қонун ҳужжатларини ва сайлов амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Масалан, Сайлов кодексига мустаҳкамлаб қўйилган нормаларга кўра, Экологик ҳаракат вакиллари учун Қонунчилик палатасида депутатлар ўринларини квоталаш институти чиқариб ташланади, бунда Қонунчилик палатасидаги депутатлар ўринларининг умумий сони (150 та ўрин) сақлаб қолинади.

Шунингдек, Сайлов кодексига катта ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар ва унча ogir бўлмаган жиноятлар содир этганиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловда иштирок этиши бўйича чекловлар олиб ташланмоқда.



МУНОСАБАТ

Президент мактаблари —

ТАЪЛИМДА ЯНГИ БОСҚИЧ

"Олимлар ва илгор фикрли кишилар дунёдаги гўзалликларни юзага чиқариш учун гайрат қиладилар, яхши одатларни янгидан кашф этишга ўзларини бағишлайдилар. Ақл ва фикрлаш қобилиятига эга бўлганларга маълумдирки, илм бу дунёда яхши ном қолдириш ва абадий ҳаётга эришиш йўли демакдир. Барча даврларда давлатни оёқда тутиб турган нарсасиз билим эди ва у дунёнинг ҳамма томонидан изланарди. Яшаш гўзал, ёқимли экан, замона тинч ва хотиржам экан, ёшлик шижоати қалбингда алангаланиб тураркан, илм ўрган!" Улуғ муаррих Оловуддин Отамалик Жувайний бундан 760 йил илгари "Жаҳон фатҳи тарихи" асарига ана шундай деб ёзган эди. Тарихчи алломанинг бу фикрлари барча даврлар учун хос эканлигини бугунги ижтимоий ҳаётимиз ҳам яққол намоён қилмоқда. Илм-фаннинг тараққиёти эса ёшларга муқаммал таълим бериш орқали, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали юзага келади.

5-БЕТ

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



"Чўпонота" пости

ТУГАБ-ТУГАТИЛМАГАН ҚАЛҚОН ҚАЛЪАМИ?

Президентимиз 2017 йил 22 декабрда мамлакатимиз парламентида тақдим қилган Мурожаатномасида вилоятлар чегарасидаги барча йўл-патруль постларини тугатиш, патруль хизмати стационар постлари сонини кескин камайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 май кундаги "Ўзбекистон Республикаси йўл

хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан, жумладан, тугатилган йўл-патруль хизматининг стационар постлари ва патруль пост хизмати постлари рўйхати тасдиқланиб, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

6-БЕТ

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Муаммолар ҳудудда ечим топади АГАР СЕКТОРЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТСА...

Шу кунларда мамлакатимиз парламенти аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлари республикаимиз ҳудудларидаги маҳаллалар, қорхона ва таълим муассасаларида бўлиб, фуқаролар, ишчи-хизматчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда, уларни

ўйлантираётган масалалар ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга халақит бераётган муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, назорат-таҳлил

тартибдаги ушбу ўрганишларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг парламентидаги фракцияси аъзолари ҳам ишчи гуруҳлари таркибига фаол иштирок этмоқда.

4-БЕТ

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Халқ қабулхоналарида фуқароларнинг ариза ва шикоятни белгилаб, ҳолислик таоминлари асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олиқадарли сифатида қаралаётганининг яна бир ёрқин ифодасидир. Қуйи Чирчиқ туман Халқ қабулхонаси мудири Сайфуддин ЕРГЕШБАЕВ билан суҳбатда айнан шу мавзуга асосий эътибор қаратилди.



5-БЕТ

Баҳоринг муборак, дилбар Ватаним!

8-БЕТ

Янги авлод тадбиркорларининг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиши лозим

Давом.
Бошланғич 1-бета

Ҳозирги кунда электр энергия ишлаб чиқарадиган асосий агрегатлардан биринчи ва иккинчи блок трансформаторлари, газ трубина, қозон утилизаторлар, буғ трубинаси ва бошқа асосб-ускуналар монтаж қилинди. Қолган электр қурилма агрегатлари келтириб ўрнатилмоқда.

ИЭС ҳудудида ташқи коммуникация ишлари яқунланган, ичимлик суви тармоғи тортилган. Объект "Сўх-Наманган" магистрал газ тармоғи орқали ёниги, Катта Наманган каналидан техник сув билан таъминланади.

Станциянинг биринчи буғ-газ қурилмаси жорий йил сентябрь ойида, иккинчиси декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида йилга қўшимча 6,7 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 300 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз бу лойиҳа муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини, станция водий вилоятларининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳолини ишончли электр энергияси билан таъминлаш имконини беришини таъкидлади.

Иссиқлик электр станциясини муваффақиятли ишга тушириш ва фойдаланиш, бунинг учун соҳага ихтисослашган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Вилоятга ташриф чоғида Президент қортежи қўрилмаганда Тўрақўрғон тумани деҳқон бозори ёнида тўхтади. Давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамлар билан самимий мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлидаги ислохотлар халқ билан бамаънафат давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, Наманган вилоятининг ҳар бир туманига катта миқдорда инвестициялар киритиш, янги корхоналар, санаториялар, мактаблар, боғчалар қуриш, иш жойлари яратиш бўйича улкан лойиҳалар бошланганини қайд этди.

Туман аҳолиси Президентимиз ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлиб, ислохотлар натижалари ҳар бир соҳада сезилаётганини билдирди. Наманган вилояти, умуман, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Таъкидлаш кераки, халқ билан мулоқот қилиш, ҳамма халқ билан бирга бўлиш Шавкат Мирзиёев фаолиятининг бош мезони. Президентимиз ҳар бир ҳудудга, жумладан, 2017 йилда Тўрақўрғон туманига ташрифи чоғида ҳам одамлар билан мулоқот қилган эди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Ахсикентга эрамиздан аввалги III асрда асос солинган бўлиб, Буюк ипак йўлининг асосий шахарларидан бири бўлган. Тарихий манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай саналган.

60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсикент харобалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устaxonаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, ҳунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрғанилган.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, 2017 йилда Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. «Ахсикент» археология мероси объекти муҳофазаси қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси» давлат унитар корxonаси ташкил этилди.

Мазкур ёдгорлик Наманган вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Юртимиз ва хориждаги сайёҳлик кўргазмаларида қадимий Ахсикент ҳақида ҳам тақдимотлар ўтказилмоқда. Бунинг самарасида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ўртасида тарихий ёдгорликка қизиқиш ортмоқда. Ҳозирда қадар Бельгия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрган. Қадимонинг тадқиқ этиш, унинг ҳазинадорлигини ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида махсус концепция ишлаб чиқилган. Айни кунда шу асосда Фарғона водийсида ички туризмни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизга Ахсикент мажмуаси бош режаси, унинг тадқиқот олиб борилган объектлари, ҳудудда барпо этиладиган туристик мажмуа лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Унга кўра, бу ерда музей ташкил этилади. Ахсикентнинг қадимий довуруғини тиклаш мақсадида рамзий дарава қурилади. Умаршайх Мирзо ва Бобурнинг Қамоллидин Бейхон яратган суратлари асосида ҳайкали ўрнатилади. Сайёҳлар учун Сирдарё бўйлаб қайиқларда сайр қилиш, тунда кўхна шаҳарни томоша қилиш имконияти яратилади. Бир сўз билан айтганда, зарур инфратузилма яратилиб, Ахсикент туризм манзиллига айлантирилади.

Ахсикент — буюк тарихимиз кўзгуси. Боболаримиз яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган бу манзилда тарихимизни тиклаш учун жуда катта манаба, ўтмиш далиллари бор. Биз шу пайтгача фақат машҳур шахарларимиз тарихини ўрганиб, бундай жойларга эътибор қилмадик. Мазнавия-

тимизни юксалтироқчи бўлсак, ёшларимизни ота-боболаримизнинг асл меросидан баҳраманд этиб улғайтиришимиз, халқимизга етказиш қувватлашимиз лозим.

Президентимизга корxonанинг иккинчи босқичида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Унда 200 иш ўрни яратиш, йилига қўшимча 20,8 минг тонна ип-калав ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ушбу босқич яқунланган, ишлаб чиқариш қуввати йилига 36,1 минг тоннага, экспорт ҳажми 25,2 миллион доллар, умумий иш ўрни 500 тага етди.

Наманган вилоятида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди. Унда 43 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Автомобиллар ёритиш чироқлари, мопед, скутер, мотоцикл ва мотороллер, шунингдек, Поп туманида "Uz youcheng group" қўшма корxonасида режалаштирилаётган текстиль тўкув дастгоҳлари ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги паррандачиликка ихтисослаштирилган "Golden egg of Namangan" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Мазкур корxonада Германия, Канада, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилади. 44 киши меҳнат қилаётган корxonада 2018 йилда 107 миллион дونا тухум ҳамда 3,3 минг тонна парранда гўшти, 4,6 миллион бош жўжа етиштирилди. Бугунги кунда корxonани паррандачилик кластерига айлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз паррандачиликни янада ривожлантириш учун кредитлар ажратиш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги "Art Soft TexGroup" корxonасига ташриф буюрди.

Бу ерда турли бичим ва рангдаги сочиқлар, халат, чойшаб ва бошқа махсулотлар тайёрланмоқда. Улар ички бозорга, шунингдек, Россия, Украина, Молдова, Болгария ва қўшни давлатларга етказиб берилмоқда. Ўтган йили 290 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, 9,4 миллион доллар миқдордаги махсулот экспорт қилинган.

Наманган шаҳри, Риштон ва Янгиқўрғон туманларида корxonанинг бир нечта цехлари бор. Уларда 2 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Яқинда тайёр тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш комплекси ишга туширилиши билан яна мингга яқин иш ўрни яратилди.

— Мамлакатимизда ўз ишига ин-

новацион ёндашадиган тадбиркорларнинг янги авлоди пайдо бўлмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Уларнинг сафини кенгайтириш, доимо қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Президентимизга корxonанинг иккинчи босқичида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Унда 200 иш ўрни яратиш, йилига қўшимча 20,8 минг тонна ип-калав ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ушбу босқич яқунланган, ишлаб чиқариш қуввати йилига 36,1 минг тоннага, экспорт ҳажми 25,2 миллион доллар, умумий иш ўрни 500 тага етди.

Наманган вилоятида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди. Унда 43 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Автомобиллар ёритиш чироқлари, мопед, скутер, мотоцикл ва мотороллер, шунингдек, Поп туманида "Uz youcheng group" қўшма корxonасида режалаштирилаётган текстиль тўкув дастгоҳлари ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги паррандачиликка ихтисослаштирилган "Golden egg of Namangan" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Мазкур корxonада Германия, Канада, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилади. 44 киши меҳнат қилаётган корxonада 2018 йилда 107 миллион дона тухум ҳамда 3,3 минг тонна парранда гўшти, 4,6 миллион бош жўжа етиштирилди. Бугунги кунда корxonани паррандачилик кластерига айлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз паррандачиликни янада ривожлантириш учун кредитлар ажратиш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги "Art Soft TexGroup" корxonасига ташриф буюрди.

Бу ерда турли бичим ва рангдаги сочиқлар, халат, чойшаб ва бошқа махсулотлар тайёрланмоқда. Улар ички бозорга, шунингдек, Россия, Украина, Молдова, Болгария ва қўшни давлатларга етказиб берилмоқда. Ўтган йили 290 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, 9,4 миллион доллар миқдордаги махсулот экспорт қилинган.

Наманган шаҳри, Риштон ва Янгиқўрғон туманларида корxonанинг бир нечта цехлари бор. Уларда 2 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Яқинда тайёр тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш комплекси ишга туширилиши билан яна мингга яқин иш ўрни яратилди.

"Art Soft TexGroup" фаолиятини кенгайтириб, кластер усулида ишлашга ўтмоқда. Корхона учун Мингбулоқ ва Поп туманларидан ер ажратилган, қишлоқ ҳўжалиги техникалари сотиб олинган.

Давлатимиз раҳбари корxonанинг келгуси режалари билан қизиқди. Унинг таркибида пахта тозалаш, уруғ етиштириш, дон махсулотларини қайта ишлаш корхоналари, иссиқхона ташкил этиш, чорва боқиш, ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини маълумлади.

Шу ернинг ўзида вилоятда паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик, асаларичилик, қуёнчилик, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, захирадаги ерларни фойдаланишга киритиш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Яна бир лойиҳада ер ва кадастр тизимида янги инновацияларни жорий қилиш бўйича маълумот берилди. Янги тизим блокчейн усулида қўлланилади. Инновацион таклифларга кўра, бу тизим орқали объектни рўйхатга олишда шаффофликни ошириш, портал орқали ер ажратиш назарда тутилмоқда. Шу тариха электрон кадастр паспортини олиш муддати 50 кундан 2 кунга тушади. Мамлакатимизнинг "Doing business" рейтингига дастлабки 30 талikka кириш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уларни тезроқ ишга тушириб, аҳолини иш билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Чортоқ туманида барпо этилаётган «Чортоқ ресорт» санатория-соғломлаштириш маркази билан танишди.

Ушбу санатория қурилаётган адирлик яқин-яқингача қаровсиз жой эди. Маҳаллий тадбиркор ва хорижий инвесторларнинг жами 25 миллион долларлик сармоёси эвазига бугун бу ерда 15 гектардан зиёд майдонда замонавий оромгоҳ бунёд этилмоқда.

Бу вилоятда тиббиёт туризми ҳамда экотуризмни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар очади. Санаториянинг йод, бром, радон ва бошқа минералларга бой шифобахш суви таянч-ҳаракат аъзолари, юрак-томир ва асаб тизимлари, эндокринологик ва тери касалликларини даволашда яхши самара беради. Оромгоҳ 230 ўринга мўлжалланган. 250 киши иш билан таъминланади.

Марказга ушбу ихтисосликлар бўйича малакали шифокорларни жалб этиш, шартнома асосида германиялик мутахассислар иштирокида тиббий кўриқлар уюштириш режалаштирилган.

Ҳозир даволаш ва ётоқ бинолари, оилавий дам олувчилар учун коттежлар, замонавий меҳмонхона барпо этилган. Ҳовли ва йўлакларни ёри-

тиш учун қуёш панеллари ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, оромгоҳда ипотерапия йўлга қўйилади. Бу таянч-ҳаракат аъзолари ва кичик тос касалликларини даволашга ёрдам беради.

Президентимиз ушбу соғломлаштириш марказида яратилган шароитларни кўздан кечирди. Чортоқда яна қўллаб-қувватлаш санаториялар ташкил этиш, уларни арзон, ўрта ва қиммат тарзда таснифлаш орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш, рақобатни таъминлаш ҳисобидан хизмат нархини тушириш бўйича топшириқлар берди.

Бизнинг минтақамизда йод танқис. Шу жиҳатдан Чортоқнинг йодга бой суви халқимиз учун жуда фойдали. Лекин бу жойни кўпчилик билмайди, баъзилар йўл узоклигидан қийналади. Шунинг учун мамлакатимизнинг ҳамма жойидан дам олувчиларни бу ерга жалб этиш керак. Халқимиз, айниқса, боболаримизнинг саломатлиги биз учун энг муҳими, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Chortoq mineral water" масъулияти чекланган жамияти қувватини кенгайтириш лойиҳаси билан танишди. Қадокланган сувни йилига 20-30 миллион донанга қачини олиш, уларни юртимиздаги боғчалар, ёзги оромгоҳлар, шифохоналар, ижтимоий дорихоналар, супермаркетларга етказиб бериш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Чортоқни экологик шаҳарга айлантириш, Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта шахарлар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси доирасида Чортоқ шаҳри марказини қайта қуриш, Наманган аэропортини кенгайтириш ва шаҳарлараро автобуслар қатновини тартибга солиш, "Хар бир оила — тадбиркор" дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш каби лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Президентимиз бу режаларни маълумлаб, уларни тақомиллаштириш ва тизимли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Вилоятнинг тоғли туманларида олма, олхўри каби ҳудуд iklimига мос мева-салат етиштириш, уларни қайта ишлаш, оилаларда асаларичилик, паррандачиликни йўлга қўйиш, шулар орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаи яратиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз Наманган шаҳридаги «Best Market» супермаркетига ташриф буюриб, махсулотлар нархи ва сифати билан қизиқди. Нарх-наво барқарорлигини таъминлаш учун маҳаллий махсулотлар турини кўпайтириш ва аҳоли эҳтиёжини қоплаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ПЛЕНУМ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг жорий йил 7 февралда бўлиб ўтган пленумида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партиянинг ҳудудий кенгашлари йиғилишларида 2018 йилги фаолият яқунлари ҳамда 2019 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама этилди. Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП қуйи кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур анжуманларда шаҳар ва туман партия ташкилотларининг 2018 йилги фаолияти яқунлари танқидий-таҳлилий муҳокама қилиниб, жорий йилда ушбу ташкилотлар олдида турган вазифалар белгилаб олинмоқда.

КАШКАДАРЁ. Ўзбекистон "Адолат" СДП Ҳузор туман кенгашининг навбатдаги пленумида маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Туман партия кенгаши раиси Камоллидин Камолов 2018 йилда эришилган яхши натижалар билан бирга фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар хусусида ҳам сўз юритди.

— Партия фаолиятида қуйи ташкилотлар аҳолига янада яқин ҳисобланади, улар мавжуд муаммоларни жойида туриб ўрганиш, доимий назорат қилиш имкони кўпроқ экани би-

лан ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади, — деди К.Камолов. — Аммо фаоллигимиз шу имкондан қай даражада фойдалана олганимиз билан белгиланади. Шу маънода, масалан, партияимизнинг "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида амалий ишларимиз талаб даражасида эмаслигини айтиш лозим. Хусусан, маҳаллалардаги ички йўллар ҳолатини яхшилашда сафдошларимизда ташаббус етишмади, таълим муассасаларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳолати лозим даражада ўрганилмади.

Касби туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам

Муаммолар кўп, ҳаракатлар эса суст

2018 йилда дастурий вазифаларимиз ва партия лойиҳалари доирасида бир қатор ишлар қилинганлиги қайд этилди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Аббос Ҳасанов тумандаги "Жизза", "Ҳўжахайрон", "Касби", "Комилон" ва бошқа маҳаллалардаги ички йўллар депутатлар аралашуви билан обод этилган 30 нафардан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Яқинда "Жизза" МФЙ учун янги бино барпо этиш масаласида туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юборилди.

Партия депутатлари ташаббуси билан ҳисобот даврида маҳаллий Кенгаш сессиясида бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Аммо ҳудудда ҳали ечимини кутаётган муаммоларни

аниқлаш ва атрофича ўрганиш-да депутатлар партия фаоллари ва бошқа сафдошларимиз билан ҳамжиҳатликда ишлашга етарлича эътибор қаратилмаётгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, Косон, Қамаш, Миришкор туман кенгашлари пленумларида ҳам партиявий фаолият ҳар жиҳатдан таҳлил қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ФАРҒОНА. Фаолиятга танқидий ва таҳлилий ёндашув келгуси ишларда яхши натижа беришига хизмат қилади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона туман кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам ана шундай ёндашув етакчилик қилди.

2018 йилда партия фаоллари аҳоли билан юзма-юз мулоқотларда аниқлаган масалалар бўйича муайян ишлар қилинди. Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан келиб тушган 60 га-

яқин муурожаатлар ўрганилиб, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш орқали уларнинг аксариятида қайд этилган муаммолар ечим топди, шу билан бирга, фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар ҳам берилди.

Ҳисобот даврида халқ депутатлари туман Кенгашига сафдошларимиз ташаббуси билан атиги битта масала киритилганлиги партия депутатлик гуруҳи фаолияти қоникорли эмаслигини кўрсатади.

Мажлис иштирокчилари бу каби ҳолатлардан тегишли хулоса чиқариш лозимлигини таъкидлаб, партиявий ишларни талаб даражасида ташкил этиш юзасидан фикрлашиб олишди.

ЛОҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШДИ, 200 дан зиёд хонадонларга ташриф буюрилди. Аммо мазкур жараёнда айрим бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Маълумки, бошланғич партия ташкилотлари партия тизимида муҳим ўрин тутувчи таянч кучдир, — деди партия фаоли Рустам Қаҳҳоров. — Айниқса, сайловлар йилида ушбу тузилмалар яхши ишлашига талаб ва эҳтиёж янада ортади. Шунинг назарда тутилганда, уларнинг фаолиятини тубдан кучайтириш, имкониятларини кенгайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан саналади.

Анжуманда туман партия кенгашининг "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти фаолияти алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд камчилик ва муаммолар таҳлил қилинди.

АНДИЖОН. Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлар бошқа соҳалар қатори сиёсий партиялар фаолларидан ҳам ташаббускорлик ва ишга янги ёндашушни талаб этмоқда. Жамоатчилик ишончини қозониш ва сиёсий майдонда партия ўз ўрнини мустаҳкамлаб бориши,

айниқса, сайловларда хал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон туман кенгашининг навбатдаги пленумида шу ҳақда таъкидлаб ўтилди. Туман партия кенгаши раиси Муроджон Қодиров кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти ва 2019 йилда ташкилот олдида турган вазифалар хусусида сўз юритди, фаолиятда йўл қўйилган камчиликларга кенгроқ тўхталди. Жумладан, партия лойиҳалари доирасида олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслиги, айрим БҲТлар номигагина тузилганлиги йиғилганлар эътиборини қаратди.

Пленум иштирокчилари халқ депутатлари Андижон тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Тоҳиржон Эргашевнинг ўтган йилги фаолияти юзасидан ҳисоботини ҳам муҳокама этишди.

Ушбу анжуманларда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Партиянинг қуйи ташкилотлари пленумлари ҳудудларда давом этмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

Муаммолар ҳудудда ечим топади

АГАР СЕКТОРЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТСА...

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

СУРХОНДАРЕ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Наримон Умаров бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Узун туманидаги маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, фуқароларни ўйлантираётган масалаларни ўрганмоқда.

Учрашувда "Дехқон" ҚФЙда фуқаролар мазкур ҳудуддаги 7 км. масофалик йўллар носозлигидан шикоят қилишди. Шунингдек, маҳалла ахли "Дехқон" ҚФЙ ақнида жойлашган "Мустақиллик" ва "Жончекка" кишлоқларини боғлаб турувчи, узунлиги 12 километрлик "Дубай"



канални ўртасига кўприк ўрнатиш зарурлигини айтишди. Депутат Н.Умаров маҳаллий ҳокимият вакиллари билан мазкур масалани ҳал этишини маълум қилди. Сўбат чоғида фуқаро Ж.Қосимов ногиронлиги бўлган укаси Ш.Қосимовга даволаниши учун маблағ зарурлигини билдирди. Бу масалага ечим топишни кишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўз зиммасига олди.

Наримон Умаров бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари туман тиббиёт бirlашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлимининг "Жончекка" шохбасида ҳам бўлиб, 5500 та фуқарога хизмат кўрсатувчи мазкур муассасадаги шарт-шароитлар, тиббий анжомлар, дори-дармон воситаларини кўздан кечиришди. Ўрганишлар давомида қон таҳлили хонасини иситиш этибордан четда қолганлиги, аҳоли учун маълумот олиш бурчаклари жуда кичиклиги аниқланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари "Дехқон" ҚФЙда истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор Сабоҳат Гулбоева томонидан 50 ўринга мўлжаллаб қурилган МТМ биноси қурилишини бори кўришди. С.Гулбоева боғча ҳовлисидаги йил майдончаларини барпо этиш учун 300 миллион сўм кредит олишда муаммога дуч келётганини айтиб ёрдам сўради.

Н.Умаров қайд этилган барча муаммолар атрофича ўрганилиб, масъул ташкилотлар билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлади.

Шунингдек, Сарийосиё туманида Қонунчилик палатаси депутати Даврон Тангиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ "Хуршид", "Галабута" МФЙларда яшовчи фуқаролар билан очик мулоқотлар олиб боришди. Фуқаролар маҳаллалардаги хонадонларга газ баллонлари вақтида олиб келинмаётгани, айниқса, "Галабута"даги баъзи хонадонларда газ баллонлари умуман йўқлигидан шикоят қилишди. Депутат Д.Тангиров "Тумангаз" корхонаси билан боғланган, бу муаммо тез кунда ҳал этилиши маълум қилинди.

Ишчи гуруҳи аъзолари Шарғун шаҳридаги 1-сонли мактабга таълим муассасаси фаолияти билан танишди. 140 ўринга мўлжалланган мазкур боғчада ҳозирги пайтда 199 нафар бола тарбияланмоқда. Муассасада шароитлар яхши. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминланган. МТМ ходимлари муассасада ичимлик суви сақлаш идишлари маънан эскирганини айтишди.

Ишчи гуруҳ аъзолари 9-умумтаълим мактаби ўқитувчи-педагоглари билан суҳбатлашди. Мазкур мактаб биноси 600 ўринли бўлиб, 180 ўринли қўшимча бино ҳам қуриб ишга туширилган эди. Мулоқот чоғида мактаб жамоаси янги қурил-

ган бинода ўқув мебеллари етишмаслигини айтиб, шу масалада ёрдам сўради. Депутатимиз бошчилигидаги ишчи гуруҳи мебеллар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишни ўз зиммаларига олишди.

Партия депутати тумандаги "Бўйрапўш" ва "Келажақ сари" МФЙларда бўлиб, сайловчилар билан учрашув ўтказди. Депутат фуқаролардан тушган мурожаатлар билан ишлаш, айниқса, аҳолининг табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминланганлик аҳоли, пенсия, нафақаларнинг ўз вақтида берилиши муҳим масалалардан эканини таъкидлади.

"Бўйрапўш" ва "Келажақ сари" МФЙларда газ баллонларининг етишмаслиги хусусида мурожаатлар бўлди. Шунингдек, ички

ёнида мактаб директори Нигора Ражабова таълим маскани биноси капитал таъмирлашга муҳтожлигини қайд этди. Шунингдек, мактабда иссиқлик тизимининг носозлиги, компьютер воситаларининг эскирганлиги, бадий адабиётларнинг етишмаслиги ҳам депутат эътиборини тортди.

Ўрганишлар давомида физика фанидан 11-синф ўқувчилари учун "Фан ва техникадаги ютуқлар" мавзусига бағишланган ноанъанавий услубда ўтказилган очик дарс машғулотига Қ.Жўраев иштирок этди. Ўқитувчининг фаолияти, таълим бериш жараёни ҳамда ўқувчиларнинг фаоллигини кузатар экан, депутат улар билан биргаликда очик дарснинг ютуқ ва камчиликларини кенг муҳокама қилишда

катнашди, дарс машғулотининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида депутат фикр билдирди. Ўқитувчиларнинг фикрича, очик дарсда депутатнинг катнашганлиги уларнинг масъулиятини оширди. Шунингдек, Қ.Жўраев мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришга оид ангилликлар, бу борадаги норматив ҳужжатлар ҳақида маълумот берди.

АНДИЖОН. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаррам Дадаходжаева Андижон тумани "Нухатак" маҳалласида ўтказилган учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Очик мулоқотларда тадбиркорлик фаолияти, тижорат банклари томонидан кўрсатилган хизматларнинг сифати, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, имтиёзли кредитлар ажратиш ҳолати ҳудуд мисолида ўрганилди. Шунингдек, янги иш ўринларининг яратилиши, бандлик муносабатлари, меҳнат бозоридagi аҳвол ҳақида фикрлашиб олинди.

Муҳайё Матҳолиқова бугун тадбиркорга айланганидан хурсанд. У "Хар бир оила — тадбиркор" Давлат дастури асосида 2018 йили "Микрокредитбанк"нинг Куйганёр филиалидан 17 миллион сўм имтиёзли кредит олган эди. Унга тикв машинаси сотиб олиб, ўз хонадонига чеварликни йўлга қўйди, шогирдлари билан турли кийимлар тикиб, ички бозорга чиқармоқда.

— Иш билан банд бўлганимиздан хурсандим, — дейди М.Матҳолиқова. — Хар ойда ўртача 1.5 миллион сўм даромад қилаёلمиз. Берилган молиявий кўмакни вақтида қайтариш билан бирга ўз фабрикамизни очиш ниятидамиз.

Шу маҳаллада яшовчи яна бир тадбиркор Холлидаҳон Тўражоновна касаначилик асосида атласга безак беришни йўлга қўйди. Унинг ёнида 4 нафар хотин-қиз иш билан банд. Кунига ўртача 100 метр мато қайта ишланаётганини назарда тутсақ, даромад ҳам шунга яраша эканлиги аён бўлади. Мухими, оила бюджети мустаҳкамланмоқда.

Маҳалланин "Қашқар" кўчасида яшовчилар тадбиркорликка ўзига хос мактаб яратганлиги депутатни қувонтирди. Водий бозорларида уларнинг ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларига талаб катта. 250 хонадонда яшовчилар орасида ишсиз фуқаронинг ўзи йўқ.

М.Дадаходжаева соҳадаги муаммоларга ҳам эътибор қаратди. Нодирбек Ҳасанов раҳбарлигидаги "Жаннат дийр меваси" хусусий корхонасида хориждан келтирилган 110 бош қорамол боқилмоқда. Бирок

ер муаммоси уларни кийнамоқда. Чорва бўлгандан кейин озуқа етиштириш керак. Депутат бу масалани ўз назоратига олди.

Яна бир масала, маҳаллада ичимлик суви таъминоти талаб даражасида эмас. 500 метр узунликдаги ички йўллар таъмирталаб.

М.Дадаходжаева "Саддатга" ва "Кўкғумбаз" МФЙларда яшовчи сайловчилар билан ҳам учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Саматов Шайхонтоҳур туманидаги "Эшонгузар" маҳалласида фуқаролар билан суҳбатлашди.

Ўрганиш давомида маҳаллада 3-7 ёшгача бўлган болалар 262 нафар эканлиги, аммо ҳудудда мактабгача таълим муассасаси йўқлиги маълум бўлди. Маҳалланин "Каттабоғ", "Ўзгариш", "Қундуз" кўчаларида носоз йўлларни таъмирлаш борасида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилинган, бу вазифа "Йўл харитаси"га киритилган, аммо ханузгача бу кўчаларда таъмирлаш ишлари бошланмагани эътироз уйғотмоқда.

Шунингдек, тумандаги "Зангиота" маҳалласида ҳам аҳоли мактабгача таълим муассасасига эҳтиёжи борлигини қайд этишди. "Жиззах", "Самарқанд дарвоза", "Ўроқ", "Хандон" кўчаларида ички йўлларни таъмирлаш, симёғочларини янгилаш зарурлиги аён бўлди.

— Маҳалламиздаги бир қатор кўчаларда ичимлик суви босимининг паслиги аҳолига қийинчилик туғдирмоқда, — дейди "Зангиота" МФЙ масъул котиби Гулнора Ҳикматова. — Шу билан бирга, ҳудуд бўйича канализация йўқлиги ҳам ноқулайликларни пайдо қилмоқда.

Мулоқот жараёнида "Эшонгузар", "Зангиота" МФЙлар биноси учун коммунал хизмати тўловларини маҳалла раиси ҳамда ходимлар ўз ҳисобидан тўлаётганини баён қилишди.

У.Саматов аниқланган барча масалалар масъул ташкилотлар билан биргаликда ҳал этилишини таъкидлади.

НАВОИЙ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Султонов Нурота туманида бир қатор ма-



ҳаллаларда бўлиб, фуқаролар билан мулоқот қилди, мавжуд муаммоларни ўрганди.

Депутат З.Султонов тумандаги "Миришкор", "Ибн Сино", "А.Навоий" маҳаллаларида аҳолини ўйлантираётган масалаларга эътибор қаратди. Хусусан, ушбу маҳаллалардаги хонадонларни табиий газ, ичимлик суви билан таъминлашда жиддий муаммолар борлиги маълум бўлди. Албатта, бундай ҳолатлар ҳудуддаги секторлар талаб даражасида иш олиб бормаётганини ҳам кўрсатади.

Навбахор туманидаги ўрганишлар давомида 3-умумтаълим мактабида иситиш тизими яхши ишламаслиги, компьютер, китоблар ва лаборатория хонасида зарур жиҳозлар етишмаслиги аниқланди. Муассасада тиббиёт хонаси номинидаги ташкил этилиб, тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланмаган.

"Гулшан" номли мактабгача таълим муассасаси ўрганилганда боғча ошхонаси талаб даражасида эмаслиги, тиббиёт хонасида ширма, қўл динамометри, тиббий текширишда қўланиладиган стол лампаси, термосумка ва муз халтаси каби воситалар мавжуд эмаслиги қайд этилди.

Зафар Султонов мазкур муассасалардаги муаммоларга ечим топиш юзасидан амалий чоралар кўрилишини маълум қилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова Тошкент тумани "Ҳасанбой" ҚФЙ ҳудудидаги 150 ўринли 1-сонли болалар сил касалликлари сирхатгоҳидаги шарт-шароитлар билан танишди.

Ўрганишлар жараёнида қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Жумладан, вилоят



ҳокимининг қарорига асосан 2018 йилда муассасада таъмирлаш ишлари учун 288 миллион сўм ажратилган. Натихада сирхатгоҳнинг клиник-биохимик лаборатория хоналари капитал таъмирланиб, бино ва хоналарнинг ҳолати, беморлар учун шарт-шароитлар яхшиланди ҳамда зарур тиббий анжомлар, дори-дармонлар билан таъминлаш даражаси ортди.

Депутат Л.Кошелапова "Ободлик" МФЙда ўтказган мулоқот чоғида маҳалланин "Ойбек", "Масалбой" кўчалари билан туташган ички йўлларда тунги чироқлар йўқлиги, симёғочларни янгилаш лозимлиги маълум бўлди.

— Маҳалламизда тоза ичимлик суви йўқлиги маҳалла аҳолисига қийинчилик туғдирмоқда, — деди "Ободлик" МФЙ раиси Шуқуржон Агзамов. — Шу билан, бирга, ҳудудимизда чиқинди учун махсус идишлар ўрнатилмаган.

Депутат ўрганишлар давомида "Дархон" маҳалласидаги 1,2,3,4-уйларда истиқомат қилаётган 7 та хонадонда бўлиб, фуқароларнинг эҳтиёжлари, таклиф ва мулоҳазалари билан танишди. Уларнинг аксарияти уй-жой, коммунал, тиббий хизмат кўрса-



тиш масалаларида амалий ёрдам сўрашди.

Людмила Кошелапова тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда муаммолар юзасидан аниқ ишлар қилинишини билдирди.


ХОРАЗМ. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Мақсуд Кур-



тиш масалаларида амалий ёрдам сўрашди.

Людмила Кошелапова тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда муаммолар юзасидан аниқ ишлар қилинишини билдирди.

ХОРАЗМ. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Мақсуд Кур-



бонбөөнинг сайловчилар билан мулоқотлари амалий аҳамият касб этмоқда. Депутат Урганч туманидаги 15-умумтаълим мактабида бўлганида ушбу муассаса биноси эскириб қолгани эътиборни тортди. Мактаб директори Дилором Пирназарованин айтишича, ушбу бино 1969 йилда қурилган бўлиб, 536 ўринга мўлжалланган. Айни пайтда ўқув муассасасида 1136 нафар ўқувчи таълим олмақда. Шунингдек, мактаб спорт зали ҳам фойдаланиш учун талаб доирасида эмас. Ўқувчилар учун немис ва инглиз тили дарсликлари етишмовчилиги ҳам жиддий муаммо бўлмоқда.

Тумандаги "Шоҳидонлар" МФЙ раиси Мансур Абдуллаев фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмаслиги, 3-умумтаълим мактаби биносида иш олиб бораётгани, МФЙ моддий-техник база билан таъминланмагани ҳақида баён қилди. Шунингдек, маҳалла аҳолисининг сони 5470 нафарга етганлиги боис яна битта янги МФЙ ташкил этишга эҳтиёж мавжуд. Маҳаллада яшовчилар биронта ҳам боғча йўқлиги, ички йўлларнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолганидан шикоят қилишди.

Шунингдек, депутат 102-сон ижтимоий дорихона, 31-сон оилавий поликлиника, 13-сон МТМларда бўлиб, сайловчилар билан очик мулоқотлар ўтказди.

31-сон поликлиникада тез ёрдам машинаси йўқлиги боис шифокорлар қақирувларга 10-12 км.гача бўлган масофага йўловчи ташвиш транспортларида етиб боришга мажбур бўлаётгани муаммога айланганини айтишди. Шунингдек, тумандаги умумтаълим муассасаларида тиббиёт ҳамшираси штат бirlиги йўқ, ўқувчиларга тиббий ёрдам бериш учун оилавий поликлиникалардан шифокор қақирилаётгани ҳам эътирозга сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар билан бирга депутат аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига ҳам киришди.

ФАРҒОНА. Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Сулаймонов "Кизилтепа" МФЙ даги 29-умумтаълим мактабида мавжуд шарт-шароитларни ўрганди. Ушбу таълим масканида тиббий хизмат хонаси кўздан кечирилганда бу ерга 2 ойдан буён дори-дармон воситалари олиб келинмаётганини маълум бўлди. Айни пайтда атиги 2 хил турдаги дори воситаси бор, холос. Бу эса ўқувчилар соғлигини асрашга лоқайд қаралганидан далалат беради. Шунингдек, мактаб кутубхона фондида 1342 та китоб борлиги аниқланди. Сўнгги мартта 2019 йилнинг январь ойда туман Ёшлар иттифоқи томонидан 36 турдаги китоблар олиб келинган. Таълим даргоҳида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишлари учун шароит яратиш борасида ҳам баъзи камчиликлар кўзга ташланади.

У.Сулаймонов мазкур муаммоларни мутасаддилар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилишини таъкидлади.

Президент мактаблари —

ТАЪЛИМДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Давом.
Бошланғич 1-бетда

...аблаби ҳам кейинги икки йилдан ортиқ вақт ичида республикамизда умумий ўрта таълим тизимини юксалтириш, унинг тараққиётини янги босқичга кўтариш учун жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Энг аввало, мактаблар тўлиқсиз ўрта таълимдан тўлиқ ўрта таълимга ўтказилди. Янги умумий ўрта таълим мактаблари қурилди, эскилари таъмирдан чиқарилди. Касб-хўнара коллежларининг биналаридан айримлари мактабларга берилди. Айни пайтда мактаблар ўқитувчилари ва мураббийларининг ойлик маошлари оширилди. Уларнинг олий ўқув юртида, малака ошириш курсларида таълим олишлари учун янги имкониятлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси умумий ўрта таълим тизими фаолиятини яхшилашга ҳисса қўшди.

Маълумки, умумий ўрта таълим тизимини яхшилашдан кўзда тутилган асосий мақсад, оқорида келтириб ўтилган ўзгаришлардан ташқари, мактабларда ўқувчиларнинг илмга қизиқишини ошириш, ёшларнинг билим олишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш, таълим сифатини кўчатириш, ҳар бир ёшнинг ўз илмий қобилиятини намоён этишга шароит яратиб беришдан иборат. Афсуски, бу жараён кўп йиллар давомида эътибордан четда қолиб келганди. Эндиликда ана шу масалаларга ҳам давлатимиз томонидан эътибор берилди. Мамлакатимизда адабиёт ва бадиий ижод йўналишидаги Ибройим Юсуфов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаблар ташкил этилганлиги бу борда бошланган янги ланишларнинг бир узви бўлди.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириш ўқишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда "Мирзо Улуғбек но-

мидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэроавиация" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари асосида яна иккита ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси фаолият бошлади. Айни пайтда, умумий ўрта таълим тизимида нодавлат таълим муассасалари ҳам пайдо бўлмоқда. Урганч шаҳрида бошланғич синфларга ментал арифметикани ўргатишга ихтисослаштирилган "Нихол" инновацион мактабининг иш бошлаши бу тизимда яна бир янгиликка айланди. Бу мактабларнинг бошқа умумтаълим мактабларининг фарқи шундаки, уларда маълум фанлар ихтисослаштирилган ҳолда чуқур ўқитилади. Ушбу мактабларга ёшлар иқтидорига қараб танлаб олинади. Улардаги синфларда ўқувчилар сони 15-20 тадан ошмайди. Ихтисослаштирилган фанлар мукамал ўргатилади. Ўқитиш ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан уйғунликда олиб борилади. Буларнинг ҳаммаси келажакда ушбу мактаблардан юртимиз учун ўз соҳаларининг етук мутахассислари, илм-фанни юксалтиришга ҳисса қўшадиган иқтидорли ёшлар етиштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти ёш истеъоддорларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизимини ташкил қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим тизимини яратиш бўйича бошланган ишлар изчиллик билан давом эттирилиши талаб қилади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари мамлакатимизда умумий таълим тизимини яхшилаш борасидаги янги бир янгиликка қўл урди. "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Қарорда асосий мақсад қилиб иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъодли ёшларни янада қў-

лаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлоднинг шакллантириш вазифалари белгиланган. Ҳўш, бу вазифалар қандай амалга оширилади?

Қарорга кўра ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклида Президент мактаблари мамлакатимизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида барпо этилади. Президент мактаблари Тошкент, Нўкус ва Хива шаҳарларида шу йилнинг 20 августига қадар, республиканинг бошқа ҳудудларида эса 2020 ва 2021 йилнинг 20 августига қадар қурилиб битказилиши ва ишга туширилиши режалаштирилган. Бу мактабларнинг ҳар бирига биринчи ўқув йилида 5-10-синфлар учун 144 та ўқувчи қабул қилинади. Кейинги йиллардан бошлаб эса ҳар бир мактабнинг фақат 5-синфига 24 та бола Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган мантиқий фикрлаш тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбатлар асосида танлаб олинади. Улар икки синфга бўлинган ҳолда ўқитилади. Умуман, Президент мактабларидаги ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 12 тадан ошмайди. Ўқувчиларнинг ҳаммаси бепул озиқ-овқат, мактаб формаси ва яшаш жойи билан таъминлини кўзда тутилган.

Президент мактабларида ўқитиш жараёни сакане — табиий фанлар, technology — технологиялар, engineering — техник ижодкорлик, art — санъат, mathematics — математика соҳаларини чуқур ихтисослашган ҳолда ўқитишга асосланган халқаро "STEAM — ТАЪЛИМ" дастури асосида олиб борилади. Бу мактабларда ўқитишнинг асоси қилиб бир неча йўналишлар белгиланган. Аввало, иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб беришга эътибор қаратилган. Ёшларнинг табиий ва аниқ фанларни чуқур ўрганишини таъминлаш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил этиш, уларнинг инновацион гоёлари ва



www.uz

ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Ўқувчиларни касб-хўнарага йўналтириш, уларда етакчилик қўнишлари ва нотижик санъатини ривожлантириш, айни пайтда, ёшларни танқидий фикрлашга, ахборот излаш, уни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, билимларини амалиётда қўллаш масалалари устувор вазифалар қилиб қўйилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштироки таъминланади. Бу мактабларнинг ўз йўналишлари бўйича миллий ҳамда хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликлари амалга оширилади.

Бу мактабларда ўқувчиларни ўқитиш ва улар билимини баҳолашнинг замонавий услублари яратилади ва кейинчалик ушбу янги тахриба республика халқ таълими тизимига жорий этилиши кўзда тутилган. Президент мактабларида ўқиш инглиз тилида олиб борилади ва уларнинг битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат билан бир қаторда хорижий мамлакатлар-

нинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонида қатнашиш имконини берувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи ҳам берилади. Бу мактабларда мамлакатимиздаги етук олимлар, ўқитувчилар билан биргаликда хорижий мутахассисларнинг ҳам фаолият юритишлари учун имкониятлар яратилади.

Юқоридагилардан англашилади турибдики, Президент мактабларининг ташкил этилиши таълим тизимида юксалишнинг янги босқичини бошлаб беради. Бундай таълим муассасаларида таълим олган ёшлар иш-қилишлари, мамлакат тараққиётига қатнаш ҳисса қўишлари шубҳасиз. Зеро, бир синфда 12 та ўқувчининг ўқитилиши ўқитувчилар учун ҳам энгиллик тугдириди, ўқувчилар учун ҳам барча фанларни тўла ўзлаштиришга имкон беради. Уларнинг халқаро таълим дастурлари асосида билим олиши инновацион янгиликлар яратиши учун йўл очади. Мактабларнинг халқаро алоқалари юртимизнинг иқтидорли ёшларини дунёга танитади. Буларнинг барчаси халқ таълими соҳасини ривожлантириш ҳамма вақт

давлат сиёсатининг ажралмас қисми бўлиши кераклигини кўрсатади.

Табиийки, соҳани ривожлантиришга келгусида эътибор янада кўчатирилади. Сабаби маълум, чуқри соҳада ҳали халқ қилинмаган ишлар кўп. Шунинг учун Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиздаги умумий таълим тизимининг аҳоли ҳақида бундай деганди: "Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга қатнаш эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади... Умумий ўрта таълим тизимининг бугунги кўн талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим".

Келинг, шу ўринда республикамиз умумтаълим мактаблари учун муаммо тугдираётган масалалардан бирига эътибор қаратайлик. Маълумки, мамлакатимизнинг аксарият мактабларидаги синфларда ўқитилаёт-

ган болалар сони 30-35 тадан кам эмаслиги аниқ. Айтайлик, ана шу ўқувчилардан 10 таси юксак иқтидор эгаси сифатида аҳоли балоғатига ўқийди. 15 таси ўртамайна даражадаги билимга эга. Қолган ўнтаси эса ўқишни истамайди, мактабга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатга эга бўлиш учун келиб-кетмади. Ҳўш, ана шундай ҳолатда юксак иқтидор эгаси бўлган ўқитувчи болаларга таълим беришда қандай йўл тутати? У бундай ҳолатда, табиийки, ўз кучини ўнга юксак иқтидор эгасини тарбиялашга ёки 15 та ўқувчининг билимини оширишга эмас, 10 та ўқишни истамайдиган болани саводхон қилишга интилади. Чунки ундан таълим мутасаддилари ҳам, юқори орган назоратчилари ҳам шуни талаб қилади. Бошқача айтганда, у юксак педагогик қудратини иқтидорли болаларга эмас, қобилиятсиз болаларга сарфлайди. Натижада иқтидорли ўқувчиларда мактаб таълим тизимидан қаноатланмаслик ҳолатлари юзага келади.

Шундай экан, бугун умумтаълим мактабларидаги 30-35 та ўқувчини бағрига олган синфлардаги ўқиш жараёни билан махсус ихтисослашган, бадиий ижод, инновация мактабларидаги кам сонли, айни пайтда, иқтидорли ёшлардан иборат синфлардаги ўқиш жараёнини эътиборга олсангиз, таълим сифатидаги жуда қатта фарқни англаб етасиз. Ана шунда мамлакатимизда таълим сифати юксак даражада амалга ошириладиган, бир синфда 12 та ўқувчи ўқийдиган Президент мактабларининг ташкил этилаётганидан дилда ифтихор уйғонади. Бундай ихтисослашган мактаблар келгусида янада кўпайиши керак. Бу эса юртимиз келажиги учун хизмат қиладиган иқтидорли, қобилиятли, илм-фанга меҳр қўйган ёшларнинг янада кўпайишига замин яратади.

Камол МАТЁҚУБОВ,
"Adolat" мухбири

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — ХИЗМАТИДА

Давом.
Бошланғич 1-бетда

— Республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган Халқ қабулхоналари одамлар оғирини енгил қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаёпти. Шу ўринда, сиз Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонаси фаолияти мисолида уй-жойга муҳтож бўлган ногиронларга, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган амалий ёрдам хусусида сўз юритсангиз.

— Халқимизга хос хислатлар ҳақида сўз кетганда, мурувват ва меҳр-оқибат, саховатпешалик алоҳида тилга олинади. Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат замирида ҳам аҳоли турмушини янада фаровон этиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш каби эзгу мақсадлар муҳасса.

Тўрт мучаси соғ одам меҳнат қилади, оиласи билан яшаш учун уй-жой қуришнинг ҳам уйдасидан чиқади. Жисмоний имконияти чекланган киши эса маҳалла-қўй кўмағига, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади.

Қуйи Чирчиқ туманида уй-жойга эҳтиёжманд ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қуруқ сўзда эмас, амалда ёрдам кўрсатилаётгани эътирофга молик, албатта. Мисол учун, "Дўстлик" МФЙда истикомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Гулбаҳор



Хусанова Халқ қабулхонасига айнаш шу масалада мурожаат қилганди. Бу мурожаат тегишли ташкилотлар кўмағида ижобий ечим топди. Янги намунада таъмирланган уй топширилганида Г.Хусанованинг юз-кўзида акс этган қувончни сўз билан ифодалаш мушкул. У бир умрлик орзусига эришди ахир.

Халқ қабулхонасига мурожаатлар бўйича иккинчи гурӯх ногирони Шуҳрат Алиҳўжаев, кам таъминланган оилалар рўйхатида турувчи Нодира Пайзиева, 2-гурӯх ногирони Шолпан Мамбеталиева ҳамда Меҳрибонлик уйда тарбияланган 2 нафар фуқарога Дўстобод шаҳарчасидаги "Шодлик" МФЙда жойлашган, ҳокимлик ҳисобида турган бино тўлиқ таъмирланиб, яшаш учун барча шароит яратилиб, жиҳозлари билан топширилди.

"Абай" МФЙ худудидаги Тама қишлоғида истикомат қилаётган 1-гурӯх ногирони Жанабай Аленовга ҳам тўлиқ таъмирланган ва жиҳозланган уй берилди. 2-гурӯх ногирони Матлуба Усмонова эса "Сурум" МФЙ худудида уй билан таъминланди.

— Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонасига мурожаатлар аниқ рақамларда акс эттирилса, уларнинг таҳлили қандай кўриниш касб этади?

— Аввало, асосий мақсадимиз "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни ҳаётда қарор топтиришдан иборатлигини таъкидлаш жоиз. 2018 йил давомида Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонасига фуқаролардан 954 та мурожаат келиб тушди. Уларни қонунчиликка

қатъий риоя қилган ҳолда, ўз вақтида, ҳолис кўриб чиқиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зиммаимиздаги асосий вазифалар сирасига қиради. Шу боис мурожаатлардан биронтаси эътибордан четда қолмади. Улардан 472 таси қаноатлантирилди, 478 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Тегишлилиги бўйича таҳлил қилдиган бўлсак, мурожаатларнинг 44 таси коммунал соҳага, йўлларни таъмирлаш масаласида 12 та, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш юзасидан 58 та, моддий ёрдам ва нафақа тайинлашга оид 115 та, алимент ундириш тўғрисида 28 та, уй қуриш учун ер ажратиш бўйича 180 та, уй-жой кадастр ҳужжатлари масаласида 43 та, иш ҳақини ундириб олиш юзасидан 33 та, ички ишлар органлари фаолиятига оид 45 та, бандликни таъминлашга оид 60 та ва бошқа масалаларда мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улар тегишли ташкилотларга йўналтирилди ва ижобий ҳал қилиниши назоратга олинди.

— Халқ ичига кириб бориш, камчиликларни ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш мақсадида Халқ қабулхонасига туман ҳокими, сектор раҳбарлари ўтказилган қабуллар самараси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонасига жорий йилнинг ўтган ойлари давомида туман ҳокими томони-

дан 5 мартаба қабул ўтказилди ва 30 та мурожаат кўриб чиқилди, шундан 12 таси қаноатлантирди. Туман прокурори томонидан 4 мартаба, туман ИИБ бошлиғи томонидан 5 мартаба қабул ташкил этилди. Уларда бир қатор масалалар ўзининг ечимини топди.

2019 йил 15 февраль ҳолатига кўра, Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонасига фуқаролардан 121 та мурожаат келиб тушди. Улардан 73 таси қаноатлантирилди, 23 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди, қолгани эса ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг



муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашни назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Қуйи Чирчиқ тумани Халқ қабулхонаси томонидан жойларда 6 мартаба сайёр қабул ўтказилди ва уйма-уй юриш орқали аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Муҳтасар айтганда, Халқ қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини тезкорлик билан ҳал этишга кенг имконият яратмоқда. Одамларнинг оғирини енгил қилиб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Севдора ЛАТИПОВА
суҳбатлашди

“Чўпонота” пости

Давом.
Бошланғи 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар бугун фуқаролар тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга аҳоли ўртасида қонун-қондаларга нисбатан итоаткорликни, ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга пухта замин яратмоқда. Ислохотлар жараёнида ички ишлар идораларининг иш услуби такомиллаштирилиб, ортиқча, самараси паст деб топилган назорат усуллари ва механизмларидан воз кечилмоқда. Хусусан, мамлакат автомагистрал йўлларида, айрим вилоятлар марказларига кириш жойларида ҳашамдор қурилган, аммо ўтказилган махсус мониторинг таҳлилларига кўра натижадорлиги паст деб топилган назорат-текшириш постлари олиб ташланганлиги кўпчилик кутган ижобий жараён бўлди. Бу борада қабул қилинган қарор мазкур назорат масканлари орқали ўтадиган автотранспорт воситаларининг тирбандлигини камайтириш, ортиқча текшир-текширилларга, сунистезмолчиликларга нўқта қўйиб, минг-минглаб ҳайдовчи-ю йўловчиларнинг беҳуда оворагарчилиқда қолишининг олдини олишга ҳуқуқий асос яратганлиги билан ҳаётий аҳамиятга эгадир. Бирок...

“Катта Ўзбекистон тракти”нинг Самарқанд шаҳрига олиб кирадиган “Чўпонота” (М39 “Алмати” — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз) автомобиль йўлининг 1081-километридаги “Штаб” ИПХ станция постиди, Самарқанд шаҳри) собик назорат постидида манзара ҳайдовчиларнинг таъбини хира қилмоқдаки, бу ҳолатни кўрган кишилар текширишларнинг барҳам товланишидан булар беҳабарми, қарор ижросига бепасандлик шу экан-да, деб ўйлайди. Сабаби, собик постдан салгина ташқарида хар кун эрталаб беш-олти нафар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари махсус хизмат машиналари ва шахсий автомобилларини йўлга кўндаланг қўйиб,



қоидабузарларни тутиш илнжиди бўлишиди. Хар сафар ҳужжатларни ва машина бажажларини текшириш жараёнидаги савол-жавоблар эса айрим ҳайдовчиларда бу шаклдаги назоратнинг қонунийлигига шубҳа ўйотмоқда. Баъзи ҳолларда эса очикдан-очик текширувларга, ҳатто жиддий тортишувларга сабаб бўлмоқда. Хар кун шу аҳвол, хар кун шу манзара...

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг биринчи отрядига қарашли мазкур пост чиндан ҳам ўз фаолиятини тиклаганми? Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг хар кун жи-маовий бўлиб мазкур нўқтада иш олиб боришларига мезъерий асослар борми?

Журналистик суриштирувимиз чоғида, яъни 2019 йил 26 феврал кун соат 10⁴⁰ да ана шу саволларга жавоб излаб ортад бошлиғи Отабек Абдуқуловни то-полмадик: Уни “мехнат таътили-да” деб айтишди. Хизмат вазифасини бажараётган оддий хо-димлар эса биз олган тасвирларни кўздан кечиршигач, “Тўғри, бугун кўчатирилган текшириш ўтказилаётганига сабаб авто-мобиль олиб қочилганида”, деб изохламоқчи бўлишди. Яна Ургут-

да бола ўғирлаб кетилган, де-йишди.

Табиийки, бу қабилидаги ханго-маталаб жавоблардан қониқмай, вилоят Йўл ҳаракати хавфсизли-ги бошқармасига мурожаат қил-дик. Бу ердаги навбатчилик қисми вакили бизга бошқарманинг ах-сирот хизмати билан боғлиқши-ни маслаҳат берди. Ахборот хиз-мати бошлиғи Равшан Намозов билан мулоқотимиз чоғида “Чўпонота” пости тугатилганли-ги ва ўз фаолиятини қайта бошла-ши учун асос йўқлиги оғра рас-ман билдирилди. У ҳолда 1-отряд ходимларининг жамоавий бўлиб мазкур постда назорат олиб бо-ришларининг сабаби нимада? Ах-борот хизмати раҳбари бу ҳолни отряд бошлиғидан билди олиши-мизни таъкидлади. Бу жавобдан қониқмаганимизни сезиб, “Чўпон-ота” пости кўпгина вилоятлар ва туманларга олиб борадиган йўлларнинг чорраҳаси, шундай бўлгач, текширишлар бўлаверади. Фақат назоратчи пост ичкари-сида туриб ҳаракат қилмаса бўл-гани-да, деб тушунтирди.

Ана энди суратга **ЯХШИЛАБ РАЗМ СОЛИНГ!** Йўл ҳаракати хавфсизлиги ноизи постнинг шундоққина олдида хизмат маши-насини кўндаланг қўйиб, ҳайдов-чини саволга тутмоқда. Далолат-

нома тўлғизмоқда. Воқеадан ҳа-бардорлигимиздан оғоҳ бўлгач, машинани четга олиб йўлни очиб қўйди. Изоҳ талаб қилишимизни билди, шекилли, отряд биносига кириб кўздан қўйиб бўлди. Тахми-нан ярим соатдан кейин эса пост-да ҳеч бир назоратчи қолмади.

Бу манзара “Чўпонота” пости-да назоратчиларнинг жойлашуви хизмат дислокацияси асосида олиб борилаётганлиги ёки аксин-ча эканлиги хусусида ҳақли савол пайдо қилиши табиий. Башарти, назорат белгиланган дислокация асосида бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги ноизрлари нега ҳаёл ўтмай хизмат жойларини тарк этишди? Холисона айтганда, ил-гарии темир тўсиқлар ҳамда оғоҳ-лантирувчи белгилар қўйилган, ҳозир эса олиб ташланган пост олдида беш-олти нафар ходим-нинг нонуштага ўтиргандек, ати-

Мухтасар айтганда, тугаб-тугатилмаган “Чўпонота” постидан “кўнғил узоқлаётган” ноизрларнинг иш юри-тиши ва раҳбариятнинг бу ҳолга муносабатидан Сиз ҳам оғоҳ бўлинг! Бошқарма раҳбариятининг ЙХХБ фа-олиятида очиклик, ҳисобдорлик амалда таъминланадими, деган саволимизга жавобини эса сиз билан биргаликда кутиб қоламиз, азиз муштарий.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Adolat” мухбири

ТУГАБ-ТУГАТИЛМАГАН ҚАЛҚОН ҚАЛЪАМИ?

ги бир-икки соатлик “машғулот”-дан не маъно-мақсад бор? Ниҳоят, хар бир ҳайдовчига ёки мух-бирга “автомобиль ўғирлаб кетил-ганлиги” ҳақидаги ваз-қарсонни тақдорлаб айтверишдан бирор мантук борми?

Ахборот хизмати раҳбари Рав-шан Намозов бошқарма раҳбария-ти ва масъул ходимларнинг ти-зим фаолиятини яхшилаш бўйича вилоят телевидениеси орқали те-летомошабинлар билан мулоқот ўтказилганлиги, унда ҳамма са-волларга жавоб топиш мумкинли-гини таъкидлайди. Мулоқотда фу-қаролар томонидан қайд этилган камчилик-нуқсонлардан 62 таси бўйича махсус дастур ишлаб чи-қилиб, ҳозирда уни амалга оши-риш чоралари қўрилаётган экан. Лекин дастурга кирмай қолган мавжуд камчиликларни ким туза-тади?

Ахир Самарқанднинг соат са-йин автомобиллар билан тирбанд бўлиб кетадиган ва ҳаракат хавф-сизлиги ноизрларнинг зудлик билан аралашувига муҳтож кўча, йўллари озми? “Кафторхона” бе-катида хар кун шундай тирбанд-ликка, қоидабузарликларга дуч ке-ласиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг атиги бир нафар хо-дими ҳафтасига бир-икки кўри-ниш бериб, тартибни ўнгламоқчи бўлгани қизиқ. Қатнов хавфсиз-лигини таъминлаш, қоидабузар-ликларнинг олдини олишда бош-қарма ихтиёридаги кўчларни ке-ракли нўқталарга тўғри тақсимлаш вилоят ЙХХБ раҳбариятининг ва-зифаси эмасми?

ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУҒИ

Фаол Кенгашлар ва депутатлар тақдирланди



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кўчатиришга кўмаклашувчи комиссия томонидан маҳаллий Кенгашларнинг 2018 йилги фаолияти таҳлилига кўра халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши **“Йилнинг энг намуна-ли Кенгаши”** ҳамда халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши **“Намунали туман Кенгаши”** деб топилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу муносабат билан тадбир ўтказилди. Тадбирда маҳаллий Кен-гаш ўз фаолиятида юқори натижаларга эриши-шига ҳисса қўшганлиги ҳамда 2018 йилда депу-татлик ишларида фаоллик кўрсатгани учун халқ депутатлари **Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев** халқ депутатлари шаҳар Кен-гаши томонидан диплом билан тақдирланди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоли, депутат Тош-пўлат Матибоевга сайловчилар ишончини оқлаш-дек масъулиятни ишда ҳаммиша муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Зулайхо ЧўЛПОНОВА,
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

— Университетда 4-курсда таҳсил олаётган, мактабда дарс берсам бўладими?
4-Kurs!
Д.ОМОНОВ,
Шаҳрихон тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига асосан тасдиқ-ланган “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги низомга кўра, олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқийётган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг база-вий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

— Ташкилотда иш юритувчи бўлиб ишлашман. Бошлиқ томонидан бошқа вилоятга 2 ойлик хизмат сафарига боршим кераклиги айтилди. Лекин узоқ вақт оиламни ёлғиз ташлаб кетишни хохламаёман. Бунда хизмат сафари мuddатини қисқартириш мумкинми?
Н.ҚўШАРОВ,
Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномага (рўйхат рақами: 1268-сон) кўра, ходимларни хизмат сафари мuddати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади ва хар бир ҳолат учун йўлдаги вақтни ҳисобга олманган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак. Сизнинг ҳолатингизда 2 ойлик хизмат сафарини белгилаш ноконуний.

Манба: //t.me/ivquz.

ТАҚДИМОТ

Яқинда пойтахтимиздаги “British Foundation Tashkent” нодавлат таълим муассасасида Буюк Британиянинг “NCUK Foundation” консорциуми фили-алининг очилиш тақдими бўлди.

«NCUK Foundation» консорциуми ЎЗБЕКИСТОНДА

“NCUK Foundation” консорциуми филиалига коллеж, лицей, мактаблар битирувчилари имтиҳон асосида қабул қилинади. Таълим давомийлиги бир йил бўлиб, тўлов-шартнома (тўлов 7 минг АҚШ доллари миқдори-да) асосида амалга оширилади. Филиални таъминлаган ёшлар нафақат мамлакатимиз, балки Буюк Британия, Янги Зеландия, Австралининг етакчи университетла-рига имтиҳонсиз ўқишга қиради.

Филиал “British Education” халқаро таълим ташкило-ти томонидан очилди. Кўплаб мамлакатларда, хусусан, Буюк Британияда умумий ўрта таълим 12 йилни ташкил этади, Ўзбекистонда эса 11 йил. Ушбу фарқни бартараф этиш мақсадида Бирлашган Қиролликнинг 16 та етакчи университети консорциуми билан Ўзбе-



каби фанларни муқаммал ўзлаштириш имкониятини яратди.

Тадбирда “British Education” халқаро таълим ташки-лоти ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасида узаро англашув меморандуми имзоланди. “NCUK Foundation” консорциуми филиалига грант асосида таҳсил олиш учун хар йили 10 нафар иқтидорли йигит-қиз томонлар тавсиясига асосан ўқишга қабул қилинади.

Ўқув Буюк Британиядан келган мутахассислар томонидан олиб боришмоқда. Айна вақтда 50 ўқувчи консорциумда ўқишни бошлади.

кцион учун бир йиллик “NCUK Foundation” таълим дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур МДҲда ягона ҳисобланади ва шу аснода ёшлар таълими бўйича фарқни тўлдирди. Шу билан бирга инглиз тили, математика, иқтисодиёт

11-санагача тўланмаса пеня ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тако-миллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли қарорига асосан, 2019 йилнинг 11 февралдан бошлаб маиший истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун мавжуд мuddати ўтган қарздорликнинг хар бир кунига тўлов мuddати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, лекин мuddати ўтган қарздорлик суммасининг 50 фоизи-дан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланади.

Электр энергияси истеъмолчиларининг 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилган олдиндан тўловла-рини инobatга олган ҳолда ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш ва қайта ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқлан-ган қарздорликлари ҳисоб-китоб даврининг кейинги ойининг 11-кунигача бартараф этилмаган тақдирда, мазкур суммага пеня ҳисобланади.

«O'zbekenergo» АЖ ахборот хизмати

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Шафтоли мевахўри карантин зараркунандалардан бири бўлиб, дунёнинг қатор мамлакатларига тарқалган. Асосан меваларда, ўтказилган кўчат томиялари орасида кўрт фазасида учрайди. Айрим хориж мамлакатларидан келтирилган олма, нок, шафтоли меваларида ҳам учра-ши аниқланган. Шафтоли мевахўри нок, олма, беҳи, хитой фундуғи, шафтоли меваларини зарарлайди.

Шафтоли мевахўри

Имага капалагининг қаноти ёзилганда, ўртача ҳисобда узун-лиги 14-20 мм, танаси 11 мм. кат-талиқда бўлади. Олдинги қанотининг ўртаси қисқа, кул ранг-оқ тусдан то тўқ жигар ранггача ўза-ғариб боради, тўқ ярим доирали доғи бор. Хошиялари кўнғирсимон

тусда. Орқа қаноти кул ранг, тра-пециясимон, қанотининг устки ўрта қисмида, тепасида тиник хошия ва тўқ доғлари бор. Ка-палак кулранг тусда, боши ва кўкрак қисми тўқ кулранг, кўзи қизил, жигар рангли бўлади. Ол-динги қаноти чўзилган, кумуши-

мон рангда, бироз ялтироқ. Қано-тида қорамтир қора рангдаги би-линар-билинимас чипор нақшлар бор. Чипор нақшлар ичида эса ял-тироқ кўк нўқталар кўзга ташла-нади.

Одатда, ёз бўйи ривожланган шафтоли мевахўри қуртлари куз вақтига келиб тупроқда 5-13 см. чўқурликда ўзига пишиқ шарси-мон “пиллача” (диаметри 4,5-6 мм) ясаб, шу “пиллача”да қиш-лайди. Тупроқда ҳарорат 15 С дан юқори бўлганда қуртлар янги ёзги очик арқонсимон гўмбақ ичи-да ривожлана бошлайди. Гарчи қишлов давомида бу ҳашаротлар 50-55 фоизгача нобуд бўлса-да, уларнинг сони кўпلىгича қолади.

Бу зараркунандага қарши ку-рашишда, аввало, профилактика

ишларини тўғри ташкил этиш ло-зим. Хусусан, пайванд қилиш учун мўлжалланган мевали дарахт нов-далари зарарланмаганига эътибор қаратиш аниқ мuddаодир. Шаф-толи мевахўри тарқалган мамла-катлардан келтирилган мевалар-ни синциклал кўздан кечириб, ла-бораторияда текшириб кўриш ло-зим. Боғларда мевали дарахтлар синциклал кўздан кечиради ва қишловдаги кўрт ва гўмбақлардан дарахтларни тозалаш зарур. Шаф-толи мевахўри қуртлари чиқа бош-лаганида унга қарши кимёвий ку-раш ишлари олиб бориш тавсия этилади.

Элдор АБДУҚАЮМОВ,
“Тошкент Аэропорт”
ўсимликлар карантини
чегара маскани инспектори

Дарахтни қуритувчи зараркунанда

Марказий Осиё шароитида мевали дарахтлар турли зарар-кунанда ва касалликлар билан кўчли зарарланиши кузатилади. Бунинг асосий сабаби табиий кўлим шароитининг қулайлиги ва озуқа манбаси етарли эканлиги билан боғлиқдир.

Калифорния қалқондори ана шундай зараркунандалардан би-ридир. Унинг устидаги оч жи-гарранг, кулранг тусли “қалқон-”часи муаллоқ ва анчагина япа-лоқ бўлиб, диаметри 1-1,5 мм, баъзан 2 мм. гача боради.

Калифорния қалқондори ме-вали дарахтларга, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсим-ликларга зарар етказида. Бу за-раркунанда ўсимлик шохларини, айрим ҳолларда катта-катта да-

рахтларни қуритиши мумкин. У шундай зараркунандадан би-ри мевага тўқ қизил доғ тушади. Ка-лифорния қалқондори мевали дарахтларнинг новдаси, шохи, барги, пўстлоғи ва мевасини за-рарлайди. Катта дарахтларда ка-лифорния қалқондори дарахт пўстлоғида ҳаёт кечиради. Дарахт пўстлоғида узун ёриқлар пайдо бўлиши қалқондорларнинг кўп-лигидан далolat беради.

Эрта баҳордәк буталган шох

ва новдалар ҳамда дарахтлардан тозалаб олинган эски пўстлоқлар-ни ёқиб юбориш керак. Дарахт-лар илдизини қалий, фосфор би-лан ўғитлаш ва сўғориш, боғларни ёшартириб туриш лозим. Куз ва эрта баҳорда личинкаларга қарши давомли таъсир қилувчи инсекти-цидлар пуржаш, бунинг учун 10 фо-изли мой эмульсияси ёки 50 фоиз-ли оҳак-олтингурут қайнатмаси билан пуржаш тавсия этилади.

Ширин ТўРАЕВА,
“Тошкент Аэропорт”
ўсимликлар карантини
чегара маскани
инспектори

Фаол адолатчи аёллар

билим ва маҳоратини намоён этишди

ТАНЛОВ

Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларга ўз иқтидори, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга имкон яратиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири саналади. Партия тизмида анъанавий ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танловининг бу йилги ҳудудий босқичида ҳам ана шу муҳим жиҳатлар ўз амалий ифодасини топди.



НАМАНГАН. Бугунги кунда жамиятимизда бўлгани каби партиямиз ҳаётида ҳам опа-сингилларимизнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Улар партия ташкилотларимиз олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

"Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи қатнашчилари шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини қайд этишди. Биринчи шарт якунларига кўра уйчилик Муаттар Икромова, Чуст туманидан Рўзигул Аноркулова, чортоқлик Иқболлой Толибжоновна бошқаларга нисбатан бирмунча юқори балл тўпладилар. Аммо "сиёсий билимдонлик" шартига доир савол-жавоблардан сўнг пешқадамлар ўзгарди. Айниқса, Мингбулоқ тумани иштирокчиси Дилдора Охунова билимдонлиги, ҳозиржавоблиги, ҳуқуқий меъёрлар мазмунини яхши тушунира олиши билан барчаннинг диққатини жалб этди ва ҳаммадан кўп балл тўлади. Мана шу устуллик унда учинчи шартдан сўнг ҳам сақланиб қолди ва биринчи ўринни эгаллаш имконини берди. Мингбулоқ туманидаги 22-умумтаълим мактаби директори маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилдора

Охунова танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса уйчилик Замирахон Умарова ва қосонсойлик Қумушхон Қаюмовага насиб этди. Ҳалиларга Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Бошқа иштирокчилар эса турли номинациялар бўйича ғолибликка сазовор бўлдилар.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукус шаҳрида "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи кўтаринки руҳда ўтказилди. Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган сафдошларимиз бир-биридан билимдонлиги, партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун астойдил интилаётганини намоён қилишди. Уларнинг сиёсий билимлари, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларидаги фаоллиги, нотиклиги, етакчилик қобилияти, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаётий тажрибалари, миллий қонунчилигимиз, сиёсий партияларга доир норматив ҳужжатлардан хабардорлиги каби бир қатор

мезонларга ҳакамлар ҳайъати алоҳида эътибор қаратди. Иштирокчилар сиёсий кучнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни хусусида фикр билдириб, партия-мизнинг янги Сайловолди дастурини давр талабидан келиб чиқиб тайёрлаш, унда электорат манфаатларини рўйбга чиқариш, тиббиёт, таълим соҳаларидаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, экологик масалалар юзасидан ўз таклифларини баён этишди.

Беллашув натижасига кўра Нукус шаҳридаги 38-умумтаълим мактаби қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Айжамал Жемуратова 1-ўринни эгаллаб, танловнинг якуний босқичига йўлланмани қўлга киритди.

СИРДАРЁ. Бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қўллаб-қўрғатилган ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам бу борадаги ислохотлар самарасини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Партия сафидаги хотин-қизларнинг билимини ва салоҳиятини оширишда, уларга ўз иқтидори, лидерлик қобилиятини кенг жамоатчиликка намоён қилишида "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танлови ўзига хос ўрин тутади.

Гулистон шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг "Адолат" — менинг нигоҳимда деб номланган шарти бўйича иштирокчиларнинг чиқишларида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга доир аниқ таклифлар ўз ифодасини топди. Хусусан, жойларда патронаж хизмати ходимларини йўлантираётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимини, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада партия ғоялари тарғиботини кучайтиришга доир фикр-мулоҳазалар барчаннинг диққатини жалб этди.

Фаол адолатчи аёлларнинг лидерлик қобилияти, сиёсий билимдонлиги, ташаббускорлиги беллашув давомида яққол намоён бўлди. Сўнгги шарт бўйича қатнашчиларнинг эркин мавзудаги бадиий чиқишлари томошабинларга кўтаринки руҳ бағишлади. Якуний натижаларга кўра Гулистон шаҳар 1-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Сурайё Усмонова 1-даражали диплом билан тақдирланди. Ховос бирлашган тармоқ шифохонаси поликлиника бўлими ҳамшираси Азиза Назарова, Оқ олтин туманидаги "Баркамол авлод" болалар маркази кутубхоначиси Гулмира Намозова 2-, 3-ўринларга лойиқ топилди.

НАВОИЙ. "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танлови Навоий вилоятида ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Тадбирда эътироф этилганидек, партия аъзолари орасида энг фаол, ижтимоий-сиёсий билимларни, миллий қадриятларимизни яхши ўзлаштирган, жамоа ва оилада намуна бўлаётган ташаббускор аёлларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда уларнинг тажрибасини тизимда оммалаштириш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу танлов кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотмоқда. Беллашувнинг шаҳар, туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар партиявий ишларда илғор тажрибалари, ташаббускорлиги, амалга оширган лойиҳалари, сиёсий билимдонлигини намоён этиб, "Адолат" партияси мавқеини ошириш, электорат манфаатларини рўйбга чиқариш юзасидан бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Танлов натижаларига кўра 1-ўрин Навоий шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ўралбуви Нормуродовага насиб этди, Қонимех туманидаги иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Нилуфар Долмуродова, Навбахор тумани 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Элмира Бобонорова 2-, 3-ўринларга муносиб топилди. Танловнинг ҳудудий босқичи ғолиблирига диплом ва эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Н.АБДУЛЛАЕВ, А. ОРАЗИМБЕТОВА, М.БОБОНАЗАРОВА, С.ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий кенгашлари матбуот котиблари



КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛМАДИ



ТАСС хабарига кўра, Оқ уй раҳбари Пхеньян таклифлари Вашингтонга маъқул келмаганини маълум қилди.

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг маълум қилишича, КХДРнинг санкцияларни бекор қилиш эвазига билдирган таклифлари АҚШга маъқул келмаган, аниқроғи барча санкцияларни бекор қилиш эвазига Йонбендаги ядро объектларида демонтаж ишларини олиб борилишига розилик билдирган. Ким Чен Ин эса барча турдаги ядровий ва ракетавий тажрибаларни тўхташтишга ваъда берган. Шунингдек, Америка — Шимолий Корея саммити якунида аниқ келишувга эришилмагани учун фақатгина у айбдор эмаслигини, битим имзолатиш учун тайёрлаб қўйилган бўлишига қарамай ҳар икки томон ундан баравар воз кечганини таъкидлаган.

Трамнинг айтишича, АҚШ ва КХДР жуда самарали саммит ўтказган, келишмовчиликка қарамадан саммит дўстлик руҳида якунланган.

Авал хабар берилганидек, Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида Америка — Шимолий Корея саммитининг иккинчи куни Трамп ва Ким Чен Иннинг юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот 30 дақиқа давом этди. Шундан сўнг икки мамлакат раҳбарлари кенгайтирилган йўналишда иштирок этди. Бироқ, кутилмаганда Трамп ва Ким Чен Ин белгиланган муддатдан олдин саммит ўтказилаётган бинони тарк этди.

Оқ уй матбуот котиби Сара Сандерс сўзларига кўра, томонлар ядросизланишнинг турли вариантларини муҳокама қилишган, ammo ҳозирча улар келишувга эриша олмаганлар. Шу билан бирга, етакчилар келажакда учрашиш ниятида эканини билдиришди.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАОШИ ОШАДИМИ?

Қозоғистонда ўқитувчи самарали меҳнат қилиши учун маоши 300 минг тенге, яъни 797 доллардан кам бўлмаслиги керак.

"Казинформ" хабарига кўра, бу ҳақда фан ва таълим соҳаси касаба уюшмаси раиси ўринбосари Айгул Мукашева фикр билдирган.



Ҳозир қозоғистонлик ўқитувчилар 102 минг тенге, яъни 271 доллар маош олишади. Маълумот учун, яқинда Остонада "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган. Муҳокамада Айгул Мукашева мактабни олтин медаль билан тугатган ўқувчиларга олий таълим муассасасига киришда имтиёз берилиши кераклигини ҳам таъкидлаган.

ЧЕКИШ — КЎЗ УЧУН ХАВФЛИ

Ратгерс университети (АҚШ) олимларининг аниқлашича, кунга 20 донадан кўп сигарет чекувчилар ранглири фарқлаш қобилиятини йўқотади. Олимлар умри давомида 15 донадан кўп сигарет чекмаган 71 нафар соғлом киши ва кунга 20 донадан кўп сигарет чекувчи 63 кашанда иштирокида тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда 25 дан 45 ёшгача бўлган кўнгилчилар қатнашди.

Мутахассислар таъсирлар ва ранглири фарқлаш қобилиятини аниқлашга қаратилган тестлар ўтказилди. Кўнгилчилар экрандан 150 сантиметр масофада ўтириб, монитордаги визуал стимуллари фарқлашга уриниб кўришди.

Кашандаларда қизил, яшил, сариқ ва кўк ранглири кўришда сезиларли даражада ўзгаришлар борлиги, яъни улар бу ранглири пайқашга қийналиши аён бўлди. Шу билан бирга, чекмайдиганларга нисбатан кашандаларнинг ранглири фарқлаш қобилияти ҳам пасайиб кетгани аниқланди.

Олимлар бу ҳолатни тамаки тутунда миянинг кўз сигналларини қайта ишлашда қатнашувчи қисмига таъсир қиладиган захарли моддалар борлиги билан изоҳлашмоқда. Бундан ташқари, ушбу захарли моддалар кўз тўр пардасидаги нерв толалари ва қон томирларини зарарлайди.

Яна бир тадқиқотда чекиш иммунитетини издан чиқариши, хусусан, бу ёмон одат чекувчи беморларнинг онкологик касалликлардан тузалиб кетишини 40 фоизга пасайтириши аниқланган.

ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГ ҲАШАРОТЛАР ЙЎҚОЛИБ КЕТАДИМИ?

Дунёда ҳашаротлар сонини кескин камайиб бормоқда, бу эса табиатда экотизим инқироз хавфини келтириб чиқаради. Сидней университидан Франсиско Санчес-Байо ҳамда Хитой кишлоқ хўжалиги академиясидан Крис Вихайс ўтказган илмий таҳлилларнинг илк хулосалари шундан иборат бўлди.



Мутахассислар кейинги 40 йил мобайнида ҳашаротларга доир чоп этилган 73 та тадқиқот ишларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келишди. Олимлар асосан Европа ва Шимолий Америка ҳудудларидаги маълумотларга доир тадқиқотлар мисолида иш олиб боришди. Шу боис тадқиқотчилар дунёнинг бошқа ўлкаларида ҳашаротларнинг "тақдирини" ҳақида аниқ маълумотларга эга эмас.

Таҳлилларга кўра ҳашаротларнинг 40 фоиздан кўп турлари камайиб кетмоқда, учта тури эса йўқолиш хавфи остида. Сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчи ҳайвонларга нисбатан ҳам ҳашаротлар 8 марта кўп қирилиб кетаётганлиги хавотирли рақам саналади. Олимларнинг ёзишича, ҳашаротларнинг умумий биомассаси йилига 2,5 фоиз пасаймоқда. Бундай рақамларни ўрганган мутахассислар "ҳашаротлар юз йил давомида йўқолиб кетиши мумкин", деб таъкидлашмоқда.

"Бу жуда тез содир бўлмоқда. Ун йилдан сўнг ҳашаротлар ҳозиргига нисбатан тўрт марта камайдди, 50 йилдан сўнг ярми қолади, 100 йилдан сўнг улар умуман бўлмайдди", дейди Guardian нашрига берган интервьюсида Санчес-Байо. Хуллас, энг сўнгги таҳлиллар бу муаммо глобал тус олганини кўрсатмоқда.

Маълумки, ҳашаротларнинг бир қатор турлари бутун экотизим учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, ўсимликларнинг чангланishi, айрим турларнинг ҳашаротлар билан озикланишини назарда тутсақ, табиатда ўсимлик ва ҳайвонот турлари ҳаёт кечирishiда ҳашаротлар нақадар муҳим ўрин тутади, муаммонинг моҳиятини тезда англаб етамиз.

Biological Conservation илмий нашрида эълон қилинган таҳлилларга кўра, ҳашаротлар камайиб кетаётганининг асосий сабаби уларнинг яшаш муҳити йўқ қилинаётганлиги, шунингдек, кишлоқ хўжалиги ишларида пестицидлардан фойдаланилаётганлиги боғлиқ. Шу билан бирга, бунда иқлим ўзгаришининг ҳам таъсири оз эмас.

Агар ҳашарот турлари йўқолиб кетишининг олди олинмаса, бу муаммо сайёрамизнинг экотизими ва инсоният ҳаёти учун инқирозли ҳолатни келтириб чиқаради. Олимларнинг фикрича, айнан капалаклар, асаларилар, чиқиндиларни қайта ишловчи гўнж кўнғизлари бошқа ҳашаротларга нисбатан кўпроқ хавф остида қолмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Пульмонолог кадрларни тайёрлаш — давр талаби

МУНОСАБАТ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар тиббиёт соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантириш, аҳоли саломатлигини самарали муҳофаза қилиш учун пухта замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мазкур тармоқ тараққиётида муҳим омил бўлади. Сўнгги йилларда аҳоли орасида сурункали ўпка касалликларига учраган беморлар сонини маълум даражада ошгани кузатилиб, бу ҳолатнинг олдини олишга хизмат қилувчи функционал таъхислаш ишлари амалга оширилмаётгани жиддий муаммолардан бири эди. Шу боис Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан

ҳам 2018 йилда жамоатчилик назорати тартибида болалар орасида сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида ўтказилаётган манту синамаси ва бошқа эмлашлар даврийлигининг ҳолати жойларда уйма-уй юриб, мактабларда ўқувчи ёшлар ва мутахассислар билан суҳбат уюштириш орқали ўрганилди.

Ўрганишлар давомида бугунги кунда мамлакатимизда "Аҳолини сил касаллигиндан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 24 октябрдаги сил касаллиги профилактикаси тўғрисидаги 383-сонли буйруғига асосан



Маҳбуба ОРИФХОНОВА, Тошкент шаҳар ўсмирлар диагностика маркази бош шифокори, Ўзбекистон "Адолат" СДП Юнусobod туман кенгаши раиси

касаллик хавфи остида бўлган болалар ўртасида сил касаллигини скрининг текшириш мақсадида туберкулин синамаси ўтказиб келинаётгани, 2010-2015 йилларда эса умуман ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Туберкулин ва диаскинтест препаратлари етарли эмаслиги бунга сабаб бўлаётганлиги қайд

этилди. Мазкур муаммоларни бартараф этиш бўйича партиямиз томонидан масъул идораларга тегишли таклифлар билдирилган эди. Президентимизнинг мазкур қарориди белгиланган вазифалар партия томонидан кўтарилган масалаларга ҳам ечим топишда муҳимлиги бизни қувонтиради. Айтиш лозимки, фтизиатрия муассасаларида тиббий жихозлар ва техникаларнинг етишмаслиги сил касали ва ўпканинг носпецифик касалликларига чалинган беморларга ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни яхшилаш мақсадида соҳада инновацион усулларни жорий қилиш ҳамда 2019 йил 1 сентябрга қадар сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини, шунингдек, фтизиатрия муассасаларини моддий-техник жиҳозлашини замонавий

клиник қўлланма ва протоколлари, ташхис ва даволаш сифатига оид стандартларини ишлаб чиқиш қарорда кўрсатиб ўтилган. Бу эса мазкур турдаги касалликка чалиниш ҳолатларининг камайishi ва даволаш ишлари самарали ташкил этилишида ижобий таъсир қилади. Қарорга кўра, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясида, кейинчалик бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида "Пульмонология" мутахассислиги бўйича магистратурада ва клиник ординатурада кадрларни тайёрлаш фақат давлат грантлари асосида амалга оширилади. Бундай имконият эса пульмонолог кадрлар сонининг ортishi орқали ушбу йўналишда тиббий хизматнинг яхшиланishi, касалликка чалинган беморларни тўлиқ қамраб олиш ва даволашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

КУШХАБАР
Кувончи воқеаларнинг, хушxabарларнинг қаноти бор, дейишди. Бу ҳақ гап! Мана, бир мисол. Юртдошларимиз Орол денгизи худудининг қуриган қисмида чучук сув отилиб чиқётганини ойнаи жаҳонда кўриб, оммавий ахборот воситаларида ўқиб, худди ўз ховлисида, маҳалласида, қишлоғида, шаҳрида булоқ кўз очгандек беҳад қувонди. Фаввора каби тегала отилаётган зилот сув теварагида ўйинга тушаётган қоракалпоғистонликлар шодлигига шерик бўлишди.

Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йиллик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятида бўлди. Ташриф давомида Жиззах вилоятига Зарафшон дарёсидан сув олиб келиш учун магистрал қувур ва насос станцияси қурилишини давом эттириш, 264 километр сув тармоғини барпо этиш ва таъмирлаш бўйича топшириқлар берди. Бу ишлар натижасида Зарбдор, Бахмал, Пахтакор, Мирзачўл, Дўстлик, Фаллаорол, Шароф Рашидов туманлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланиши, уларнинг турмуш тарзи, саломатлиги яхшиланиши алоҳида таъкидланди.

Бебаҳо неъмат — ичимлик суви билан боғлиқ бу хушxabар ҳам барчага хурсандчилик бахш этди, қалбларга қувонч улашди десақ, муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, сув манбаларининг 80 фоизидан ортиги қўшни давлатларда шаклланишига қарамастан, бугунги кунда ичимлик суви таъминоти яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Чунки аҳоли сони кўпайиб бораётгани, сув ресурслари эса чеклангани туфайли айнан шу масалага алоҳида эътибор берилётгани ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилатган ислохотлар самараси учун хизмат қилади.

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Дунёнинг турли минтақаларида чучук сув масаласида тақчиллик сезилаётгани бугун ҳеч беришимизга сир эмас. Гарчи Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг атиги 2,5 фоиздан зиёди истеъмолга яроқли ҳисобланади. Аҳоли жон бошига нисбатан ичимлик суви охириги 150 йил мобайнида 4 мартага камайиб кетгани, айни пайтда ҳар олти кишидан бири чучук сувга муҳтожликка яшаётгани ҳам бизни оби ҳаётга оқилона муносабатда бўлишга ундайди.

Маълумки, ичимлик суви танқислиги катта иқтисодий қийинчиликлар билан бирга аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, бир қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Сувнинг ифлосланиши туфайли турли касалликлар — ошқозон-ичак, буйрак, жигар, қонда турли аллергия хасталиклар пайдо бўлади. Ифлосланган сув орқали зарарли гелимиллар инсон организмига ўтади. Ич терлама, дизентерия, гепатит ва бошқа касалликлар кўпаяди. Сувда кимёвий элементлар, бирикмаларнинг меъёрдан ортиқ бўлиши уларнинг аста-секин тўпланиб боришига шароит яради, натижада айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Сувнинг инсон ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини кўйидагиларда ҳам кўриш мумкин: сув киши танасида туну кун содир бўладиган барча ҳаётий жараёнларда — оксидланиш-кайтарилиш реакцияларида, моддалар алмашинувида фаол иштирок этади. Мия ҳужайраларидан тортиб, вужудимиздаги барча аъзолар сув билан ҳаёт.

Ривоят қилишларича, бир бадавлат кишидан сўрашди:
— Сахрода келаётганда егулик тугаб, оч қолсангиз, шунда сизга кимдир дуч келиб, нон берса, унга нима берган бўлардингиз?

— Бойлигимнинг ярмини.
— Сахрода ичишга сувингиз қолмаган бўлса, учраган одам сизга ташналикни қондириш учун сув берса, бунинг эвазига нима ҳада қилардингиз?

— Бойлигимнинг барини берардим.
Мана, шу ривоятдан ҳам сув бебаҳо неъмат эканини англаш қийин эмас. Мухтасар айтганда, инсон ҳаётининг, тирикчилигининг асосини сув ташкил этади.

УЗОҚ ВА ЯҚИН ҲАМ ИШГА НАЗАР

Жиззах воҳасини ичимлик, умуман, сув билан таъминлаш бундан 500 йиллар аввал Тўртотар канални қазиб орқали амалга оширилган. Ҳа ҳозирда ҳам сув етиб борган жой обод бўлиши, деҳқончилик маданияти ривожланиши, аҳоли чўл худудларига чиқиб, янги ерлар ўзлаштиришини ва одамлар ўзини-ўзи озик-овқат маҳсулотлари би-

шидов туманида жойлашган "Сангзор қишлоқ сув таъминоти" ер ости сув ҳавзаси бўлган. Бу иншоотда 17 та қудуқ бор. Улар қунига 20 минг кубометр сув бериши керак. Лекин ер остидаги суви ҳадеб сўриб олавериш ҳам яхши натижа бермайди. Бугунги кунда 12-14 минг кубометр сув олиниб, аҳолига етказиб берилапти. Албатта, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик ва Мирзачўл туманларида ҳам ер ости сув манбалари йўқ эмас, лекин улар эҳтиёжни таъминлаш учун етарли эмас.

Фориш, Бахмал, Фаллаорол, Зомин каби тоғли туманларда эса одамлар ас-

лаш лойиҳасига тўхталиб ўтсак. Ушбу лойиҳани қўллаб хорижий молия институти, жумладан, Хитойнинг "Эксімбанк"и, Осиё тараққиёт банки, Саудия Арабистони банклари, Европа банклари ўрганиб чиқди. Лекин бирортаси пул беришни истамади. Ҳаттоки йили Манас қишлоғида бўлиб ўтган йилгида давлатимиз раҳбари "Бу лойиҳани амалга оширишга хорижий инвестиция шарт эмас, ўз маблағимиз ҳисобига қурамыз", деди. Мана, бугун лойиҳани рўйга чиқариш бошлаб юборилганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мазкур лойиҳани нафақат сув таъми-



Зарафшон сувидан

ЖИЗЗАХЛИКЛАР ҲАМ БАҲРАМАНД БЎЛАДИ

лан таъминлашини, муҳими, Жиззах воҳасида меҳнаткаш халқ, унумдор ерлар борлигини билишган экан. Каналга Тўртотар номи берилиши ҳақида тарихий манбаларда "Агар Жиззахликлар ўз туялари билан бу ерга келмаганлариде, канални қазиб ишлари битмасди", деб ёзилган. Сабаби, улар катта-катта мешларга тупроқни солиб, каналнинг қирқ метр тубидан тегала туяларда тортиб чиқаришган. Шу боис каналга Тўртотар номи қўйилган.

Мамлакатимиз марказида жойлашган Жиззах бир томондан Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани чегараларидан бошланиб, жанубий-ғарбий тарафда Нурота ва Туркистон тизма тоғлари, шимолда Арнасой, Айдарқўл ораллигини қамраб олган ҳолда Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани сарҳадларига қадар бўлган заминда ястаниб ётади. Вилоят ҳудуди икки томони тоғлар билан ўралган, ўртаси текисликдан иборат. Жиззах шаҳри кичик тоғ ён бағрида ва унга туташ текисликда жойлашган. Одатда, бундай жойларда барпо қилинган шаҳарлар ниҳоятда обод ва кўркам бўлади. Паст-баландлик ва текисликлар бағрида шаҳар ўзига хос гўзаллик касб этади.

Вилоят харитасига эътибор қаратсак, Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор туманлари Мирзачўл ва Жиззах чўллари худудиде жойлашган. Ҳаттоқ асрининг 60-йилларидан бошлаб ерлар ўзлаштирилган, аҳоли яшайдиган масканлар барпо этилган. Тоғли туманлардан одамлар кўчиб келиб, шу жойда униб-ўсиб, томир ёйган. Бугунги кунда ўша чўл зоналари ўзлаштирилган худудлар ҳисобланади.

Чўлни ўзлаштириш жараёнида Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор туманларидаги аҳоли масканларида ичимлик суви таъминоти бўйича ишлар аниқ ҳисоб-китоб, режа асосида олиб борилган. Ҳар бир пунктда 18-20 километрлаб тармоқлар тортилган. Бундан ташқари, ҳар бир ҳўжаларда 1000 кубометр сув сиғадиган ховузалар қазилган ва аҳоли сув билан таъминлаб турилган.

Йиллар ўтиши билан улар издан чиқди, эскирди, аҳоли ҳам кўпайиб бораверди. Бунинг натижасида сув таъминотида муаммо пайдо бўла бошлади. Эски тармоқлар орқали сув узатиш мумкин бўлмай қолди. Чунки улар фойдаланиш муддатини ўтаб бўлди.

Дастлаб қишлоқлар ёки ҳўжаларда қурилган сув тармоқлари 2-3 минг аҳолига мўлжалланган. Бугунги кунда бу худудларда энг камида 10 минг одам яшапти. Устига-устак, у пайтда манба бор-йўғи битта, яъни ҳозирги Шароф Ра-

рлар давомида ўтроқ ҳаёт кечирган ва улар вилоятнинг туб аҳолиси ҳисобланади. Бу худудларда ичимлик суви сифатида асосан булоқлар ва оқар сувлардан фойдаланиб келинган. Чунки, қишлоқларда ва маҳаллаларда катта ховузалар бўлган. Анҳор ва ариқлардан оқиб келадиган сув шу ховузаларда тиндирилган ва истеъмол қилинган. Бу худудларда ҳам аҳоли кўпайганидан кейин ичимлик суви таъминотида муаммо пайдо бўла бошлади. Иқлим ўзгариши, ёнгинчиликларнинг кам бўлиши натижасида булоқларда сув камайиши, ҳаттоқ қуриб қолиш ҳолатлари кузатиляпти.

Хусусан, ўтган йили Жиззах вилоятида қурғоқчилик қаттиқ бўлди. Биргина Фориш тумани мисолида айтадиган бўлсак, одамлар сувдан жуда қийналди, баъзи маҳалла ва кўчаларга 15 кунда бир марта сув берилган. Булоқлардан сув чиқмай қолди. Артезиан қудуқларнинг ҳам суви камайиб кетди. Одамлар транспорт, от ва эшак аравада олис масофадан сув ташишга мажбур бўлишди.

МУАММО ҚАНДАЙ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган "Обод қишлоқ" дастури биринчилардан бўлиб, Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида амалга оширилди ва ушбу масканнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу хайрли ишлар давом эттирилиб, Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳри кўркам шаҳарга айлантирилди.

— Жиззах вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурларига асосан 2018 йилда 380 километрга яқин ичимлик сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 86 та қишлоқ ва маҳаллалардаги 450 мингга яқин аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. — дейди Жиззах вилояти "Сувоқова" ДУК мутахассиси Парда Шукроров. — Жорий йилда бу борада Фориш туманида ҳам катта иш амалга ошириляпти. 17 километр пастда Катта Узунқудуқ сув ҳавзаси бор ва ер ости сув захираси мавжуд. Ана шу иншоот янгилади, Фориш тумани марказига сув олиб келинади. Бунинг учун сув 165 метр юқорига кўтарилади. Қурилиш ишлари Мустақиллик байрами арафасида якунланиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг "Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини бажариш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда Зарафшон дарёси ҳисобига Жиззах вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъмин-

ноти, балки соғломлаштириш дастури деса ҳам муболага бўлмайди. Негаки, "Сангзор қишлоқ сув таъминоти" ҳавзасидан берилётган сувнинг сифатини давлат стандарти бўйича оладиган бўлсак, унинг қаттиклиги 10-11 миллиграмм эквивалентга тенг. Яъни, суви истеъмол қилишнинг энг охириги чегарасида турибди. Бу нима дегани? Сувнинг қаттиклиги 3 миллиграммгача бўлса, бу юмшоқ сув дейилади. Агар 3 дан 7 миллиграммгача бўлса, ўртача қаттиқликдаги сув. Агар 7 дан 11 миллиграммгача бўлса, қаттиқ сув ҳисобланади. Унинг таркибиде кальций, магний каби оғир минераллар мавжуд бўлади. Бундай суви одам истеъмол қилса, оғир минераллар ички органларда, жумладан, пешоб йўлида, буйрак ва ўтда тош ҳосил қилиши мумкин. Умуман олганда, турли касалликлар айнан сифатсиз суви истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади.

Лойиҳа бўйича бир кунда Зарафшон дарёсидан 100 минг кубометр сув олиниши кўзда тутилган. Бунинг учун насос станцияси қуриляпти ва сув 102 метр юқорига кўтарилади. Айни пайтда, Зарафшон дарёсидан то Узунқудуқ қишлоғигача бўлган 17 километр масофада сув кўтариш иншооти барпо этиляпти. 60 гектар жойда сув тозалайдиган ховуз бўлади. Сув тиндирилиб, қум-шағал ва бошқа қўшилмалар филтрдан ўтказилиб, шаффоф, кристалл ҳолда ичимлик суви тайёрланади. Бу сув катта қувурлар орқали Жиззах томон йўналтирилади. Биринчи босқичда сув Бахмал туманига етказилади, ўсмав ва Оқтош шаҳарчаси, шу атрофдаги қишлоқлар ҳам тоза оби ҳаётдан баҳраманд бўлади. Кейинги босқичда ичимлик суви Фаллаорол шаҳрига келади. Тошкент — Термиз марказий йўлининг ёқасида сув иншооти қурилади. Бу иншоот қунига Жиззах шаҳрига 40 минг кубометр сув етказиб беради. Яна сув йўналиши давом этиб, Шароф Рашидов туманининг маркази Учтепа шаҳарчасига боради. Шу йўсинда Пахтакор, Дўстлик, Гагарин шаҳарлари ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланади. Лойиҳанинг умумий узунлиги қўшимча тармоқлар билан 203 километрдан иборат бўлиши белгиланган. Бугунги кунда мазкур тармоқларнинг қурилиш ишларини "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг қурилиш компаниялари изчиллик билан давом эттирмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида Жиззах шаҳри ва туманларида 66 та аҳоли пункти сув билан тўла таъминланади, барча сув тармоқлари ва иншоотлари реконструкция қилинади.

Суюндик МАМИРОВ, "Adolat" мухбири

Баҳоринг муборак, дилбар Ватаним!

Баҳор ўлкамизда само бағрида хуш насимлар эсиши, илиқ еллар елиши, майин шабадаларнинг уйноқ тафти билан бошланади. Бундан замин бағрига ҳам бир илиқлик инади. Ана шундай пайтда қаҳратон қишнинг қорлари орасидан нафис чўчмоқлар бош кўтарди. Бу гул баҳорнинг илк элчисига, хабарчисига айланади.

Шундан кейин қиш қаҳратонидан қотган қорлар, музлар эрий бошлайди. Булутлар орасидан мўраланган офтобнинг илиқ нурлари туфайли дала-дашларда, бог-роғларда, ариқлар лабларида, умуман, замин бағрида яшиллик буй кўрсатади. Шошалоқ ёмғирлар еру кўкни тутди. Заминнинг чанқоқ ховурини тўйинтиради. Қиш уйқусидан уйғонган дов-дархатларни ювинтиради. Дов-дархатларга ҳам маъсумлик, гўзаллик, ўзига хос мусаффолик инади. Заминдаги яшиллик уларда ҳам намоён бўла бошлайди. Куртакларга жон киради. Мажнунтоллар яшиллана бошлаган новдаларини баҳорнинг тафтини улашгани, илиқ меҳридан баҳраманд этгани учун она заминдан миннатдордек ерга эгади. Боғлар янги тушган келинчақдек гўзаллик қўйнига киради. Атиргуллар буй чўзиб гўнчалайди. Турфа чечаклар юз очади.

Булоқларнинг сувларида одатдагидан кўра жўшқинлик пайдо бўлади. Каналлар, анҳорлар тўлиб-тошиб оқади. Ариқларга об-ҳаёт югуради. Заминни ўз сувларидан баҳраманд этгиси келади. Юртимизда баҳор ана шундай бошланади.

Бугун борлик ана шундай уйғониш палласига киради. Бу ҳол юртимизда ҳар йили Сурхоннинг Боботоғ этакларидан бошланиб, Қоракалпоғистоннинг Устюрт платосидеги кенгликларига қадар ана шундай кечади. Зеро, юртимиздаги баҳор ҳақида, табиатнинг, заминнинг, ҳаётнинг уйғониш фасли борасида шоирлардан ошириб сўз айтиб бўлмас:

*Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним!*

Баҳорнинг келиши юртимиз, халқимиз учун яна бир қувончли воқеа — миллатимиз, бутун дунё жамоатчилиги улуғлаган атоқли шоира Зулфия таваллуд топган кун билан ҳам қўшилишиб, уйғунлашиб кетади. Баҳор ва шоира номларида ўзаро муштараклик бор. Шоира адабиётимизга баҳор янглиғ кириб келди, унда баҳорий гўзаллик, баҳорий лаптофат, ҳаётга баҳорий ошуфталик, баҳорий яратувчилик каби улкан мерос қолдириб. Улуғ шоиранинг номи ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам баҳор тимсолига айланди. Бу улуғ ижодкорларнинг шоира ҳақидаги ўлмас сузларида ҳам ўз ифодасини топган.



Зулфия бир вақтлар ҳаётида жасорат ёхуд қаҳрамонлик кўрсатмагани ҳақида ёзган эди. Агар шоир ҳаётига баҳор беришда ундаи энг асосий нарсаси — ижод эканлиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ижодиётнинг ички қонунларини эътиборга олинандан бўлса бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Истеъдоди юртимиздагина эмас, Европа ва Осиёда ҳам тан олинган бу юзта гўзал ва оқила аёл қанча йўла босиб ўтмади, неларни бошидан кечирмади, қанча ишларни бажармади дейсиз! Ижодкорнинг жасорати унинг виждонлигида, ўз истеъдодида, санъатнинг юксак мақсад ва улқиларига садоқатда, ўзини воёла етказган халқига хизматда, даврининг энг ёрқин ғояларига садоқатидадир.

Қайсин ҚУЛИЕВ
(Қабардин — Болқор)

Ҳақиқатан ҳам Зулфия шеърини замонавий ўзбек поэзиясининг порлоқ саҳифасини ташкил этади. Мен шоира поэзиясида дилбарлик, донолик, бу — улкан маданиятнинг кўлга киритган улкан ютуғи эканлигини ҳам таъкидламоқчиман. Чунки, Зулфия, фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўқис аёл тимсолига эмас, балки у мукаммал шахс ҳамдир. Гўзал замонамизда шаклланиб, камолга етган шахс.

Чингиз АЙТМАТОВ
(Қирғизистон)

Зулфия она деганда дафъатан кўз олдимизда турфа чечаклар билан зийнатланган бир чаманзор намоён бўлади. Бу суздор гўзал шеърининг муаттар бўйлари билан оролангандир.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Зулфия БОҒЛАР ҚИЙҒОС ГУЛДА

*Боғлар қийғос гулда — яхлит бир чаман,
Ҳар дарахт анвои бир тароватда.
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,
Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда.
Ҳар навода бир гулда, ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дарахт барғи бир дунё ҳикоя,
Ҳар бири ҳосил ўзасига кўрк,
Бир-бири учун қудрат, ҳимоя.
Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,
Билмам, қайда толе серзаб, сержило?
Ялли тўлишад бодахл юртимиз,
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё,
Бир қардош тинчисиз — ўзга беором
Бирининг ноинсиз — ўзга эмас тўқ...
Бу — қадим дунёда янги бир олам,
Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ.
Таянч бўлмасайди одамзод алаб,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.*